

السلام

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал
3-сон. 2014-1435 йил, робиъул-аввал



ТОЗА БИР СЕВГИ...

Ҳар йили бу ойни ажиг бир интиқлик, интизорлик, қалб ҳаприқиши билан кутамиз. Чунки бу ойда инсонларнинг энг комили, Аллоҳ яратган одам наслининг энг мукаррами ва афзали, бутун оламларнинг сарвари, Коинот фахри, пайғамбарларнинг охиргиси Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд топғанлар. У зотнинг туғилишлари инсоният тарихида янги бир давр, янги бир мазмун, янги бир саҳифа очди. У зот алайҳиссалом күфр ва жаҳолат ботқоғида инграб, талвасада нажот топа олмай ётган инсонларга абадий саодат әшигини очиб бердилар, уларни ҳидоят гулшанига чорладилар, саргардонликда юрган одамизотга нажот йўлини кўрсатдилар. Шу боис Ер юзини тўлдириб юрган олти миллиардан ортиқ инсон у зотдан қарздордир, у зотни севишга, юксак эҳтиром кўрсатишига бурчлидир.

Биз, мусулмон уммати Расули акрамни шунинг учун севамизки, у зот алайҳиссалом ахлоқсизлик, күфр ва ширк балосига мубтало бўлган қавмларга гўзал ахлоқни тарғиб қилиш ва камолига етказиш вазифаси билан юборилдилар. У зот алайҳиссалом тўғри йўлни топа олмай боши қотган инсониятга илоҳий ваҳийларни, чин ҳаёт дастурини етказиб бердилар. У зот алайҳиссалом Парваридгорлари томонидан амр этилган инсоний қадр-қиммат, ўзаро биродарлик, севги ва тенглик,adolat ва яхшилик каби фазилатларни одамлар орасида ёйиш хизматини шараф билан адо этдилар.

Биз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни шунинг учун севиб-улуғлаймизки, у зот алайҳиссалом инсонликнинг, бандаликнинг, хайр ва фазилатнинг буюк ўrnаги, намунаси бўлиб, икки дунё саодатига эришиш йўлини умматга кўрсатиб бердилар. Ҳар ишда, ҳар соатда, ҳар қадамда мусулмонларга ибрат бўлдилар. У зот алайҳиссалом саҳобалари билан доимо мулойимлик ва шириңсўзлик билан муомалада бўлар, ҳатто ҳазил-мутойиба қилар эдилар. Болаларни эркалатиб суряп, уларни хурсанд қилардилар. Аёлларга яхши муомалада, хушхулқ бўлишда у зотга тенглашадиган киши топилмасди. Одамларни бой-камбағал, хур-қул, яхши-ёмонга ажратмас эдилар. Агар Аллоҳга осийлик қилмаса, ҳеч кимдан қасос олмасдилар, ўзларига қаттиқ озор берган, уриб-яралаган, ҳатто жонларига қасд қилган кишиларни ҳам осонгина кечириб юборар эдилар.

Беморларни йўқлар, фақирлар ҳолидан хабар олар, ҳатто вафот этиб кетган завжай мutoҳҳаралари Хадичанинг дугоналарини йўқлашни ҳам унумасдилар.

Биз Фахри коинотни шунинг учун севиб-ардоқлаймизки, у зот алайҳиссалом ҳаммага биринчи бўлиб салом берар, кўл бериб кўришар эдилар. Буюк тавозеъ соҳиби эдилар, манманликни асло севмасдилар. Кунларнинг бирида зиёратларига келган бир одам у зотнинг ҳайбатларидан ҳаяжонланиб титрашга тушганида у зот ўша одамга: “Қўрқма, биродарим, мен ҳукмдор эмасман, мен қурайшлик қаттиқ нон еган бир аёлнинг ўғлиман”, деган эдилар.

Биз оламларга раҳмат ўлароқ юборилган Пайғамбаримизни шунинг учун севиб, икrom кўрсатамизки, у зот алайҳиссалом ҳатто ҳайвонларга ҳам раҳм-шафқатли бўлишни, болаларни севиб эркалашни, етимларга ўта маҳаматли бўлишни, ҳатто ғайри-муслимларга, ғайридинларга ҳам гўзал муносабат кўрсата олишни ўргатган Буюк Устоз, Доно Муаллим эдилар. Тозалиқда, поклиқда, муросагўйликда, хушхулқликда тенги йўқ комил инсон эдилар. Кўп йиллар у зотнинг хизматларида бўлган Анас ибн Молик розијаллоҳу анху бежизга бундай демаган: “Ўн йил у зотнинг хизматларида бўлдим, бирор марта бир ишни қилмаган бўлсам, буни нега қилмадинг, демадилар, бир ишни билмай қилиб қўйган бўлсам, нега бундай қилдинг, демадилар. Бирор марта “Уфф, жонимга тенгдинг”, деганларини эшитмадим”.

У зотнинг сийратлари, ҳаётлари, хулқлари ўрганилгани сайин ҳар гал янги-янги қирралари кашф этиб борилаверади. У зотнинг ҳаётлари инсонларга муҳаббат, шафқат, фазилат ва самимият билан тўлиб-тошгандир. У зот алайҳиссалом башариятга Аллоҳнинг энг мукаммал ва охирги дини Исломиятни танитганлари учун ҳам умматнинг ҳар қанча суюши, муҳаббат қўйиши, эҳтиром кўрсатишига муносибдилар, лойиқдирлар. Биз Сизни ўзимиздан ҳам, аҳли-аёлимиздан ҳам, дунёдаги барча инсонлардан ҳам ортиқ севамиз, эй Аллоҳнинг Расули!

Анъанага қўра, журналинизнинг ушбу сонидаги асосий материаллар Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари, ҳаёт йўллари ва шамоилларига бағишиланди.

АЛЛОХНИНГ РАСУЛИ ЮҚАҚ ЭҲТИРОМГА ЛОЙИҚ!

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَرْفَعُوا أَصْوَاتَكُمْ فَوقَ صَوْتِ النَّبِيِّ وَلَا تَجْهَرُوا لَهُ

بِالْقَوْلِ كَجَهْرٍ بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ أَنْ تَحْبَطَ أَعْمَالُكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ ﴿٢﴾ إِنَّ

الَّذِينَ يَغْضُبُونَ أَصْوَاتَهُمْ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ أُولَئِكَ الَّذِينَ أَمْتَحَنَ اللَّهُ قُلُوبُهُمْ لِتَقْوَىٰ

لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٣﴾

“Эй иймон келтирганлар! Овозингизни Набийнинг овозидан юқори кўтарманг ва унга бир-бирингиз билан сўзлашгандек баланд сўзламанг, ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин. Албатта, Расулуллоҳнинг хузурида овозларини пастлатганлар – ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақво учун имтиҳон қилган зотлардир. Уларга магфират ва буюк ажр бор” (Хужурот сураси, 2-3-оятлар).

Бу ояти карима мўминлар учун энг севимли «Эй иймон келтирганлар!» нидоси билан бошланяпти. Бу нидо ҳар бир иймонли шахснинг қалбини жунбушга келтириб, иймон шабадасини эсдиради, кўнгилда иймон номи билан буюриладиган ҳар бир амру фармонга тайёрлик руҳини оширади. Жумладан, ушбу оятдаги буйруқ ва қайтариқларга ҳам сўзсиз амал қилишга чорлайди.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ҳикмати ила ҳар бир оятнинг нозил бўлиш вақти ва макони ҳам энг таъсири бир ҳолатларда бўлиб, кейинчалик оятлар мазмунини тушунишга ва унга амал қилишга бевосита ёрдам беради. Жумладан, мазкур оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги ривоятда айтилишича, хижратнинг тўққизинчи иили Набий алайҳиссаломнинг хузурларига Бану Тамийм қабиласининг вакиллари келиб, Исломни қабул қилган пайтларида ҳазрати Абу Бақр розияллоҳу анху: “Эй Аллоҳнинг Расули, уларга Қаъқоъ ибн Мъбадни амир қилинг”, дедилар. Ҳазрати Умар эса: “Ақраъ ибн Ҳобисни амир қилинг”, дедилар. Шунда Абу Бақр Сиддиқ розияллоҳу анху: “Сен менга хилоф қилишни хоҳлаб, шундай қилдинг”, деган эдилар, ҳазрати Умар: “Мен хилоф қилишни хоҳлаганим йўқ”, деб жавоб бердилар. Орада гап айланиб, бир-бирларига овозларини кўтардилар. Шу воқеа мазкур оятнинг нозил қилинishiغا сабаб бўлган экан.

«Эй иймон келтирганлар! Овозингизни Набийнинг овозидан юқори кўтарманг...» Демак, мусулмон инсон Набий алайҳиссалом бор жойда овозини у зотнинг овозлари-



дан баланд қилмаслиги керак. Уламоларимиз ушбу маънога қиёс қилиб, «Мусулмонлар ўз ота-оналари, устозлари, раҳнамолари ва муҳтарам зотлар бор жойда ҳам овозларини баланд кўтармасликлари, одоб доирасидан чиқмасликлари матлубдир», дейдилар. «...ва унга бир-бирингиз ила сўзлашгандек, баланд сўзламанг...» Яъни «Набий алайҳиссаломга бошқа оддий мусулмонларга айтадиган дағал сўзлар илиа муомала қилманг. Ул зот билан бўладиган сўзлашувингизда юксак одоб доирасида бўлинг. Яна «... ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин».

Демак, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбаридан олдин шошилиш ҳамда Набий алайҳиссалом бор жойда овозни у зотнинг овозларидан баланд кўтириш ва, ниҳоят, у зотга бошқаларга айтган каби дағал сўзларни айтиш инсонлар қилган савобларининг ҳабата бўлишига, яъни бефойда бўлиб қолишига сабаб бўлар экан. Шунинг учун бу масалада жуда ҳам эҳтиёт бўлмоқ зарур. Ушбу оят нозил бўлгандан кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху: «Эй Аллоҳнинг Расули, энди сиз билан фақат сирдошим билан гаплашгандек гаплашаман», деган эканлар.

Куръони Каримнинг бошқа оятлари каби, бу ояти карима ҳам барча саҳобаларга қаттиқ таъсир қилди. Улар ушбу оятдаги «... ўзингиз сезмаган ҳолда амалларингиз ҳабата бўлиб қолмасин» жумласининг ҳақиқий маъносини англаб етганиларидан сўнг, қалблари ларзага келди, вужудларини титроқ босди, ўзларини тафтиш қила бошладилар. Баъзиларида оятда зикр қилинган камчилик бўлса, тузатдилар, баъзилари эса оят айнан ўzlари ҳақида нозил бўлган деб қабул қилдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилдилар: «Собит ибн Қайс ибн Шаммос баланд овозли одам эди. «Эй иймон келтирсанлар! Овозингизни Набийнинг овозидан юқори кўтарманг...» ояти нозил бўлганда у киши «Овозини Набийга кўтарган ўша одам менман, дўзах аҳлидан бўлган ҳам менман, қилган амалим ҳабата бўлди», деб аҳли аёли ичida хафа-ҳазин бўлиб ўтириб қолди. Шу пайт уни Расулуллоҳ алайҳиссалом излаб қолдилар. Кишилар унинг ҳузурига бориб: «Сени Расулуллоҳ алайҳиссалом изляяптилар, сенга нима бўлди?» дейишиди. Шунда у киши: «Овозини Набийнинг овозидан баланд кўтарган менман, у кишига дағал сўз айтган ҳам менман, амалим ҳабата (бекор) бўлди, мен дўзах аҳлиданман», деди. Келиб, Набий алайҳиссаломга хабарни етказдилар. Шунда у зоти бобаракот: «Йўқ, у жаннат аҳлиданdir», дедилар.

Буюк тафсирчилардан Ибн Касир: «Набий алайҳиссаломнинг қабрлари олдида овозни баланд кўтириш, худди тирикликларида ҳузурларидан овозни баланд кўтаргандек макруҳдир, чунки у киши ҳаётларида муҳтарам бўлганларидек, қабрларида ҳам муҳтарамдирлар», деган эди.

Бир куни ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху Набий алайҳиссаломнинг масжидларида икки кишининг овози кўтарилигини эшишиб, олдиларига келиб: «Икковингиз қаерда турганингизни биласизми?» дедилар ва сўнгра яна сўрадилар: «Қаерликсизлар?» Улар тоифлик эканникларини айтишди. Шунда ҳазрати Умар: «Агар мадиналилк бўлганларингизда яхшилаб адабингизни берардим», дедилар.

Келаси оядта Аллоҳ таоло овозини пастлатиб сўзлашиш Набий алайҳиссаломга ҳурмат бўлиши билан бирга, қалбдаги тақвонинг нишонаси ҳам эканини таъкидлайди. Ушбу ояти каримадан олдин келган икки оята амал қилиб, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳузурларидан овозларини пастлатганлар улкан даражага эришган зотларга айланар эканлар.

«Албатта, Расулуллоҳнинг ҳузурида овозларини пастлатганлар – ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақво учун имтиҳон қилган зотлардир». Яъни бундай кишиларнинг қалблари тақво имтиҳонидан муваффақиятли ўтиб, ўзлари ҳақиқий тақводорлик мартабасига сазовор бўлган зотлардир. Охиратда эса «Уларга мағфират ва буюк ажр бор».

Бу ояти каримадан кўплаб ҳукмлар келиб чиқади. Жумладан, инсон қалбининг нажоти Набий алайҳиссаломга нисбатан бўлган одобига боғлиқ. Уламолар «Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳузурларидан ёки қабрлари ёнида овозни баланд кўтириш ман бўлганидек, у кишининг ҳадисларини ўқиётганда, олимлар ҳузурида ҳам ман қилинади», дейишган.

Яна ояддан тушуниладики, инсон қалби имтиҳон қилинар экан, имтиҳондан ўтганига «тақво» деб номланган улуғ неъматраво кўрилар, ўтмаганига эса раво кўрилмас экан. Худди шу маънони Набий алайҳиссаломдан ривоят қилинган саҳих ҳадисдан ҳам тушуниб оламиз: «Қалблар бир-бир фитналарга учратиб чиқилади. Қайси қалб уларни қабул қилса, уларга қора доғ тушади, қайси қалб инкор қилса, оқ доғ тушади. Охири қалблар икки хил бўлиб қолади. Бир хили Сафо сингари оппоқ бўлиб, осмонлару ер бор экан, унга фитна зарар қила олмайди. Иккичи қоп-қора бўлиб, бундай қалбнинг эгаси яхшилики билмайди, ёмонликдан қайтмайди, ҳавои нафси буюрганидан бошқани қилмайди».

Имом Аҳмад «Китобиз-Зухд»да Мужоҳиддан қуйидаги ривоятни келтирган: «Ҳазрати Умарга: «Эй мўминларнинг амири, гуноҳ ишни хоҳламайдиган ва қилмайдиган одам афзалми ёки хоҳлаб туриб, қилмайдиган одам афзалми?» деб хат ёзишибди. Ҳазрати Умар: «Албатта, гуноҳни хоҳлаб туриб, қилмайдиганлар афзал, ана ўшалар Аллоҳ қалбларини тақво учун имтиҳон қилган зотлардир», деб ёзган эканлар.

Ҳа, тақво улкан неъмат бўлиб, бу неъмат ҳар кимга ҳам берилавермайди. Синовдан яхши ўтган, қабул қилишга тайёрланган, шундай улуғ илоҳий неъматга ҳақли бўлган қалбларгагина Аллоҳ таоло тақво ни беради.

(«Тафсири Ҳилол»дан).

“МЕН – ПАЙҒАМБАРЛАРНИНГ ОХИРГИСИМАН”

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ مَثَلِي وَمَثَلَ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِي كَمَثَلِ رَجُلٍ بَنَى بَيْتًا فَأَحْسَنَهُ وَأَجْمَلَهُ إِلَّا مَوْضِعَ لِبِنَةٍ مِنْ زَاوِيَةٍ، فَجَعَلَ النَّاسُ يَطُوفُونَ بِهِ وَيَعْجَبُونَ لَهُ وَيَقُولُونَ: هَلَّا وُضِعَتْ هَذِهِ الْلِّبَنَةُ، قَالَ: فَإِنَّ اللِّبَنَةَ وَأَنَا خَاتَمُ النَّبِيِّينَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتَّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, менинг ва мендан олдинги анбиёларнинг мисоли, худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди. Одамлар уни айланиб қуриб қойил қолишади ва: «Мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди!» дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган).

Шарҳ: Аллоҳ таоло Одам Атони яратиб ер юзида яшайдиган Ўзининг халифаси қилгандан кейин унинг болаларига тўғри йўлни кўрсатиб туриш учун таълимотлар ҳам юборишини ирода қилди. Бу таълимотларни одамларга етказиш ва ҳаётга татбиқ қилиб кўрсатиш учун уларнинг ичидан пайғамбарлар танлаб олишни ҳам ирода қилди. Ана ўша пайғамбарларнинг биринчиси Аллоҳ таолонинг иродаси ила Одам Атонинг ўзлари бўлди. Кейин эса, бирин-кетин бошқа пайғамбарлар кела бошлади. Аста-секин вақт ўтиши билан пайғамбарларнинг силсиласи узайиб келиб, уларнинг охирги ҳалқаси Мұхаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлдилар.

Ушбу ҳадиси шарифда бу жараён худди бир кўркам чиройли бино қурилишига ўхшатилмоқда.

«Албатта, менинг ва мендан олдинги анбиёларнинг мисоли, худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди». Бу дунёнинг тузилиши бир кўрган кўзни қувонтирадиган кўркам бино бўлса, Аллоҳ таоло Ўз бандаларига юборган ҳар бир пайғамбар ўша бинонинг бир ғиштидек гап. Мазкур бинонинг бир ғишти қўйилганда унинг камоли томон бир қадам ташлангандек, Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарни юборганда рисолат ва нубувват биноси ҳам янги бир ғишт терилгандек камолот сари кўтарилиб бораверган. Бориб-бориб мазкур бино битай деб ҳам



қолибди. Фақатгина бир ғишт терилса, битадиган ҳолига келибди.

«Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва: «Мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди!» дейишади». У бинони томоша қилганлар қойил қолишар, аммо урилмаган биргина ғиштнинг мулоҳазасини қилиб, қани энди шу ғишт ҳам ўз ўрнига қўйилсану бино мукаммал ҳолига келса, деган орзуни қилар экан. Ўша бир ғиштсиз мазкур бино нуқсонли бўлар экан. Мазкур бинонинг баркамоллиги охирги ғиштга қараб қолган экан. Агар ўша охирги ғишт қўйилмаса бино битган ҳисобланмас, уни кўрган одам битмай қолганига афсус қилар экан. Ана ўша пайтда Аллоҳ таоло Мұҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни охирги пайғамбар қилиб юбориб, нубувват ва рисолат биносининг охирги ва энг мұхим, энг афзал ғиштини ҳам қўйди.

«Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотими-ман». Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзларининг ўша нубувват ва рисолат биносининг охирги ғишти эканларини, Аллоҳ таоло Ўз бандаларига юборган пайғамбарларининг хотими, яъни яқунловчиси эканларини таъкидламоқдалар. Бинога охирги ғишт терилгандан кейин қурилиш битади. Ундан кейин бошқа ғишт қўйилмайди. Аллоҳ таоло Мұҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни охирги пайғамбар қилиб юборгандан ке-тин пайғамбарлик ниҳоясига етди. Энди бошқа пайғамбар юборилмайди.

Ҳар бир нарсада Алийму Хобийр бўлган Аллоҳ таоло Ўзи яратган борлиқда Ўзи яратган инсониятни Ўзи юборган пайғамбарлар орқали тўғри йўлга солишини Ўзи ихтиёр қилди. Бунинг учун аввало нубувват ва рисолат биносини бир бутун ва мустаҳкам пойдеворлик қилди. Яъни, ҳар бир пайғамбарга юборган диннинг асоси бўлмиш ақыйдани ҳаммалари учун бир хил қилди. Одам Атодан бошлаб Мұҳаммад

мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган барча пайғамбарлар ўз умматларини бир хил ақийдага чақирдилар. Бу ақийда Аллоҳ таолонинг ягоналигига, барча айблардан холи эканига, қиёмат кунига, ҳисоб-китобга, дўзах ва жаннатга иймон келтиришдан иборат эди.

Аммо динларнинг ақийда қисми бир хил ва ўзгармай туриши матлуб бўлгани билан, уларнинг амалий қисми – шариатлар ўзгармай туриши мумкин эмас эди. Аксинча, шариатлар замон ва маконга, халқлар ва уларнинг савиясига қараб ривожланиб бориши көрек эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло диннинг пойдевори бўлмиш ақийда устига ҳар набийга берган шариатни худди пойдевор устига қўйилаётган ғишт мисоли қилиб бирин-кетин қўйиб турди.

Одам Атонинг даврида инсон жамияти содда бўлгани учун, уларга содда шариат жорий қилди. Мисол учун, шароитдан келиб чиқиб ўша шариатда ака-сингилнинг оила қуришига изн берилди. Кейин эса инсоният ўсиб бориши билан шариатлар ҳам ривожланниб борди. Аллоҳ таоло ана шу тарзда инсониятни аста-секин тарбиялаб келди. Охирига келиб, инсоният камолга етганида, унга энг мукаммал ва боқий шариат, шариати Мұҳаммадияни берди. Нубувват ва рисолат биносининг энг гўзал ва энг сўнгги ғиштини қўйди.

Энди қиёматгача бу бинога ғишт қўйилмайди. Бошқа пайғамбар юборилмайди. Ислом шариати барча замонлар, барча маконлар ва барча халқлар учун қиёмат қоим бўлгунча кифоя қилади. Ана шунинг учун ҳам Мұҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам энг афзал пайғамбар ҳисобланадилар. Пайғамбарларнинг хотими-тутатувчиси ҳисобланадилар. Бундан улуғ фазл бўлиши мумкин эмас.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 19-жилд).

НАБИЙ АЛАЙХИССАЛОМ СҮЙГАН НАРСАЛАР

Жобир ибн Самурадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулллоҳ (соплаллоху алайҳи ва саллам) бомдод намозини ўқигач, то қүёш чиққунча жойнамозларида ўлтирас эдилар» (Имом Муслим ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулллоҳ (алайхиссалом) құл чақирса ҳам жавоб қилар, касални бориб күрар ва эшак ми-ниб юрар эдилар» (Абу На'им ривояти).

Саҳл ибн Хунайфдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулллоҳ соплаллоху алайҳи ва саллам фәқир мусулмонар ҳолидан хабар олар, уларни зиёрат қилар, иложи борича әхтиёжини адо этар, ма-шаққатларини енгиллатар, вафот этишса, жанозаси-да қатнашар эдилар» (Имом Табароний ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоху анху) ривоят қи-линиади: «Расулллоҳ соплаллоху алайҳи ва саллам-нинг мушк кутичалари бор эди, ундағы хушбүйлиқдан фойдаланаар эдилар» (Абу Довуд ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Расулллоҳ соплаллоху алайҳи ва салламнинг сурма-донлари бор эди, кечаси уйқуга ётиш олдидан икки күзларига уч мартадан сурма тортар эдилар» (Имом Термизий, Ибн Можа ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоху анху) ривоят қи-линиади: «Расулллоҳ соплаллоху алайҳи ва саллам таом еб бўлганларидан кейин бармоқларини ялар эдилар» (Имом Аҳмад, Муслим, Термизий, Абу До-вуд, Насойи ривояти).

Хузайфа ибн Йамондан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулллоҳ соплаллоху алайҳи ва саллам сахобалардан бирига рўпара келиб қолсалар, у билан кўл бериб саломлашар, сўнг ҳақига дуо қилар эдилар» (Имом Насойи ривояти).

Абдуллоҳ ибн Бусрдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расулллоҳ соплаллоху алайҳи ва саллам бир қавм эшиги олдига келсалар, эшикка юзла-ниб турмасдилар, балки ўнг ёки чап томонлари билан туриб «Ассалому алайкум, Ассалому алайкум» дер эдилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Саҳл ибн Саъддан (розияллоху анху) ривоят қи-линиади: «Набий соплаллоху алайҳи ва саллам: «Мен ва етимни кафилликка олган жаннатда мана бундай-



миз», дедилар ва кўрсаткич ҳамда ўрта бармоқлари-ни бирлаштирилдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоху анху) ривоят қи-линиади: «Набий соплаллоху алайҳи ва салламга бир нарса келтирилса, «Буни фалон аёлга олиб бориб беринглар, у Хадичанинг дугонаси эди, буни фалон аёлга олиб бориб беринглар, у Хадичани яхши кўрар эди», дер эдилар» (Имом Бухорий ривояти,

Жарир ибн Абдуллоҳдан (розияллоху анху) ри-воят қилинади: «Мен мусулмон бўлганимдан кейин қаҷон Расулллоҳ соплаллоху алайҳи ва салламни кўрган бўлсанам, албатта юзимга табассум билан қара-ганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Пайғамбар с.а.в.дан нима нарса сўрал-масин, «йўқ» демаганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоху анху) ри-воят қилинади: «Расулллоҳ соплаллоху алайҳи ва саллам инсонлар ичидаги хайр қилишда энг сахийи эдилар. У зотнинг яна ҳам сахий бўлишлари Рама-зон ойига тўғри келар эди. Рамазоннинг ҳар кечаси-да у зотга Жаброил алайхиссалом келиб учрашар эди. Расулллоҳ соплаллоху алайҳи ва саллам ундан Куръонни ўтказиб олар эдилар. Расулллоҳ соплал-лоху алайҳи ва саллам Жаброил келган пайтда са-хийликда тез эсган шамолдек бўлиб кетар эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ривоят қи-
линади. Расулллох соллаллоху алайхи ва саллам:
«Бир-бирларингиз билан ҳадя алмашинглар, чунки у
юрак ғашлигини кетказади. Құшни хотини құшни аәл-
ни қүй туёғи билан бўлса ҳам йўқласин», деганлар
(Имом Термизий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоху анху) ри-
воят қилинади: «Расулллоҳ (соллаллоху алайхи ва
саллам) агар бирор идишдан сув исчалар уч бора
нафас олардилар. Ҳар нафасда Аллоҳга ҳамд айтиб,
охирида шукр қиласидилар» (Ибн Сунний ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоху
анхо) ривоят қилинади: «Расулллоҳи (соллаллоху
алайхи ва саллам) таҳорат олишда, соч тарашда ва
кавуш кийишда, қўйингки, барча ишларда ўнг томон-
дан бошлаш қизиқтирас эди (Имом Бухорий ва Мус-
лим ривояти).

Абу Хурайрадан (розияллоху анху) ривоят қи-
линади: «Дўстим Расулллоҳ (соллаллоху алайхи ва
саллам) ҳар ойда уч кун рўза тутишни, икки ракат
зухо (чошгоҳ) намози ўқишни ва ухлашдан олдин витр
намози ўқишни васият қиласидилар» (Имом Бухорий ва
Муслим ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоху
анхо) ривоят қилинади: «Расулллоҳ (соллаллоху
алайхи ва саллам) бошқа ойларда қилолмаган (ибодат)
ларини Рамазон ойида астойдил бажаардилар.
Рамазон ойида адо этолмаган (ибодат)ларини охирги
ўн кунликда бажаарар эдилар (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоху анху) ри-
воят қилинади. Расулллоҳ (соллаллоху алайхи ва
саллам): «Қиёмат куни менга энг яқин бўладиган ки-
шилар менга кўп саловот айтадиганлардир», деди-
лар (Имом Термизий ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоху анху) ривоят
қилинади: «Расулллоҳ (соллаллоху алайхи ва сал-
лам) хушбўй нарсаларни рад этмас эдилар» (Имом
Бухорий ривояти).

Усмон ибн Аффондан (розияллоху анху) ривоят
қилинади. Расулллоҳ (соллаллоху алайхи ва сал-
лам): «Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб,
уни (бошқаларга ҳам) ўргатувчиларингиздир», деган-
лар (Имом Бухорий ривояти).

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анхо) ривоят қилина-
ди: «Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам дуонинг
қисқа ва кўп маънолисини яхши кўрар ва бошқасини
тарк этар эдилар» (Имом Абу Довуд, Ҳоким ривояти).

Анасадан (розияллоху анху) ривоят қилинади:
«Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам яхши
тушни жуда-жуда ёқтирас эдилар» (Имом Аҳмад, На-
сойи ривояти).

Анасадан: «Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва
саллам шохли ва оқ-қора икки қўчкорни қурбонлик
қиласар ва сўйишда «Бисмиллаҳ, Аллоҳу акбар» дер
эдилар» (Имом Аҳмад, Насойи, Ибн Можа, Бухорий,
Муслим ривояти).

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анхо) ривоят қи-
линади: «Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам
Аллоҳ таолони ҳар он, ҳар дам, ҳар лаҳзада зикр
қиласар эдилар» (Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий
 rivояти).

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анхо) ривоят қи-
линади: «Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам
ҳолвани ва асални яхши кўрар эдилар» (Имом Бухо-
рий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Насо-
ий ривояти).

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анхо) ривоят қи-
линади: «Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам
ҳадяни ердилар, лекин садақани емас эдилар»
(Имом Аҳмад, Табароний ривояти).

Анасадан (розияллоху анху) ривоят қилинади:
«Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам уйла-
нишга буюрар, бўйдоқ юришин ёмон кўриб рад қиласар
эдилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Анасадан: «Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва
саллам бир қултум сув билан бўлса ҳам рўзаларини
очар, сўнг шомни ўқишга турар эдилар» (Байҳақий,
Ҳоким ривояти)

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анхо) ривоят қи-
линади: «Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам
таҳажжуд намозини асло тарқ этмас, бемор ё беҳол
бўлсалар ўтирган ҳопларида ўқир эдилар» (Имом
Абу Довуд ривояти)

Анасадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расу-
лллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам узуклари кумуш-
дан, кўзи ҳам кумуш эди» (Имом Бухорий ривояти)

Анасадан (розияллоху анху) ривоят қилинади:
«Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам бирон
иш ёки нарсани эртага қолдирмас эдилар» (Имом
Термизий ривояти)

Алидан (розияллоху анху) ривоят қилинади:
«Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам отлари-
нинг номи Муртажиз эди, туялариники Кисво, ҳачир-
лариники Дулдул ва Уфайр, зирхлариники Зотул-фу-
зул, қиличлариники Зулфиқор эди» (Байҳақий, Ҳоким
ривояти)

Абду-Дардодан (розияллоху анху) ривоят қили-
нади: «Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам:
«Сизлар қиёмат куни исмларингиз ва оталарингиз
исми билан чақириласизлар (яъни Фалончи ўғли Фа-
лончи, деб), шунинг учун исмларингиз чиройли бўл-
син», дедилар» (Имом Аҳмад, Абу Довуд, Ибн Ҳиб-
бон, Абу Нуайм, Доракутний ривояти)

Абу Заррдан (розияллоху анху) ривоят қилинади:
«Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам: «Ким
ҳар ойда уч кун (нафл) рўза тутса, йил бўйи рўзадор
бўлганинг савобини қўлга киритади», деганлар»
(Имом Аҳмад ривояти)

Умму Саламадан (розияллоху анхо) ривоят қи-
линади: «Расулллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам
сафарга пайшанба куни чиқиши яхши кўрар эдилар»
(Табароний ривояти)

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўйлакларини ямар, оёқ кийимларини тикар, эр киши уйда қиласиган барча ишларни бажарап эдилар» (Имом Аҳмад ривояти)

Ибн Умардан (розияллоху анҳумо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким дуссининг мустажоб бўлишини ва ғам-ташвишдан кутулишни истаса, ёрдамга муҳтоҷларга ёрдам берсин», дедилар» (Имом Аҳмад ривояти)

Ибн Масъуддан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир кишининг ўғил ё қиз фарзанди ўлса, у бунга чидасин ё чидамасин, сабр қилсан ё қилмасин, рози бўлсан ё бўлмасин, бунинг савоби фақат жаннатдир», деганлар» (Табароний ривояти)

Саъиддан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Майиз қандайин яхши нарса, асабни қувватлантиради, ғазабни даф қиласи, чарчоқни кетказади, оғизни хушбўйлантиради, балғамни (совукликни) йўқ қиласи ва ранги-рўйни яхшилади», деганлар» (Дайламий ривояти)

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи» калимасини бир кунда юз марта айтса, гуноҳлари денгиз кўпигичалик кўп бўлса ҳам номаи аъмолидан албатта ўчирилади», деганлар» (Имом Бухорий ривояти)

Ибн Аббосдан (розияллоху анҳумо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шумланиш йўқдир, агар бўлганида уловда, аёlda ва масканда бўлар эди», деганлар» (Табароний ривояти)

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мажлис-давраларда фақат уч кишига: ёши улуғлиги учун кексаларга, илми учун олимларга ва сultonлиги учун одил сultonга жой бўшатиб берилади», деганлар» (Дайламий ривояти)

Абу Вакилдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жамоат билан бирга намоз ўқиганда ғоят енгил ва қисқа қўринишда, ёлғиз ўзлари ўқигудай бўлсалар, ғоят узун ва оғир ўқир эдилар» (Имом Аҳмад ривояти)

Ибн Аббосдан (розияллоху анҳумо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олиш (да сув кўйиб туриш) ва садақа бериш ишларини ҳеч кимга буюрмас, фақат ўзлари бажарап эдилар» (Ибн Можа ривояти)

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яхшиликка йўйишни ёқтирас, бадгумонликни ёмон кўрар эдилар» (Ибн Можа ривояти)

Абу Саъид Ҳудрийдан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам



кўп зикр қилар, фойдасиз ишлардан сақланар, намозни узун ўқир, хутбани қисқа қилар ҳамда бевалар, мискинлар, қул-хизматчилар билан бирга юрар, уларнинг эҳтиёжларини таъминлар, бундан аспло тортинмас, орланмас эдилар» (Имом Насойи, Абу Довуд ривояти)

Анасадан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор кишидан хафа бўлсалар: «Пешонаси тупроққа белангур (яъни сажда қилгур), унга нима бўляпти?» дер эдилар» (Байҳақий ривояти)

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳоҳ сафарда, ҳоҳ муқимлиқда бўлсинлар, мана бу беш нарса: ойна, сурмадон, тароқ, мисвок, соқол тароги ҳамиша ёnlарида бўлар эди».

Анасадан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хушбўйлик таклиф қилинса, аспло рад қилмас эдилар» (Имом Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Бухорий, Насойи ривояти)

Анасадан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам беморни уч кундан кейин зиёрат қилар эдилар» (Ибн Можа ривояти)

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўминларнинг энг иймони қувватлisisи ва энг ахлоқи чиройлиси ўз оиласига лутф билан муомала қиласигандир», деганлар (Ҳоким ривояти)

Абуд-Дардодан (розияллоху анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлар эканлар табассум қилар эдилар» (Имом Аҳмад ривояти)

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Молојыни (бемаъни) сўзларни тарк этиш кишининг мусулмонлиги гўзал экани нишонасиdir», деганлар» (Имом Термизий ривояти)

Иbn Умардан (розияллоху анхумо) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам майитлаҳадга кўйилгач: «Бисмиллаҳ, ва биллаҳ ва фийсабиллаҳ ва ала миллати Расуллорох», дер эдилар» (Имом Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривояти)

Анасадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло бир бандага аҳли оила, фарзанд, мол-мулқдан бирор неъмат берганида у «Машааллоҳ, ла қуввата илла биллаҳ» деса, ўлимдан бошқа бирон мусибат, бало кўрмайди», деганлар» (Хатиб, Абу Яъло ривояти)

Абу Умомадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Шу осмон остида Аллоҳ таолодан бошқага ибодат қилинган маъбудлар орасида энг каттаси Ҳою ҳавас-дир», деганлар» (Табароний ривояти)

Абу Саълабадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам сафардан қайтганларида олдин масжидга кирап, икки ракат намоз ўқир, сўнг қизлари Фотимага учрар, шундан кейингина уйларига кетар эдилар» (Табароний ривояти)

Анасадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Истикхора қилган ноумид қолмас, маслаҳатлашган пушаймон бўлмас ва иқтисод қилган эса муҳтоҷлик кўрмас», деганлар» (Табароний ривояти)

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам аксирмоқчи бўлсалар, қўлларини оғизларига тутиб ёки рўмолчаларини тутиш билан овозларини пастлатар эдилар» (Имом Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривояти)

Ибн Жаъфардан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам аксирсалар «Алҳамдулиллаҳ» дердилар, шунда у зотга «Йарҳамукаллоҳ» дейилса, «Йаҳдийкумulloҳ ва юслиҳ болакум» деб жавоб берар эдилар» (Имом Аҳмад ривояти)

Имрон ибн Ҳусайндан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам жанозада ҳозир бўлганларида қайғулари ортар, ниҳоятда кам гапирап, фикр-мулоҳазага ғарқ бўлар эдилар» (Ҳоким ривояти)

Абу Бакрдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам ўзларини хурсанд қилган бирор иш содир бўлса, Аллоҳга шуқрона ўлароқ сажда қилар эдилар» (Имом Абу Довуд, Ибн Можа ривояти)

Ибн Аббосдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам бемор кўргани борсалар: «Сен учун (зараарли) бир нарса ўйқ, иншааалоҳ, бу сенга гуноҳлардан покла-нишдир», дер эдилар» (Имом Бухорий ривояти)

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам жунуб ҳолатида ухламоқчи бўлсалар, намоз учун ол-ғандай таҳорат олар эдилар, агар таом емоқчи ё сув ичмоқчи бўлсалар қўлларини ювиф, сўнг овқатланар ё сув ичар эдилар» (Имом Абу Довуд, Насойӣ, Ибн Можа ривояти)

Али ибн Абу Толибдан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам сафар қилмоқчи бўлсалар: «Аллоҳим, Сен билангина ғалаба қиласман, Сен билангина омонда бўлласман, Сенинг ёрдаминг билангина душманим устига юриш қиласман», деб дуо қиласар эдилар» (Имом Аҳмад ривояти)

Ҳафсадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам ётиш учун узангандарида ўнг қўлларини ўнг ёноқлари остига қўяр эдилар» (Табароний ривояти)

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам ўзларини маҳзун қиласиган бирор ҳолат ёки воқеа со-дир бўлса осмонга қарар ва «Субҳаналлоҳил-азийм» дер эдилар, дуоларида энг кўп такрорлаганлари эса «Йа Ҳайу йа Қойиум» эди» (Имом Термизий ривояти)

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам ҳадяга ҳадя билан жавоб қайтарар эдилар» (Имом Аҳмад, Бухорий, Абу Довуд, Термизий ривояти)

Абу Зуҳайр ал-Амморийдан: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам ўйкуга ётиш олдидан бундай дер эдилар: «Аллоҳим, Сенинг номинг ила ёнимни ерга қўйдим. Аллоҳим, гуноҳларимни кечир ва мени шайтондан узоқ қил, мени мушкуллардан кўтқар ва олий мақомга кўттар!» (Имом Абу Довуд ривояти)

Ибн Масъуддан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳга дуо қиласалар тилакларини уч марта қайтарар эдилар, истигфорни ҳам уч бор қайтарар эдилар» (Имом Аҳмад, Абу Довуд ривояти)

Ҳазрати Оишадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам чиройли нарсалардан хурсанд бўлар, шумланиши эса ёқтирипас эдилар» (Имом Насойӣ ривояти)

Анасадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам хина гулини ёқтирадар эдилар» (Имом Аҳмад ривояти)

Анасадан (розияллоху анху) ривоят қилинади: «Расуллорох соллаллоху алайҳи ва саллам борган ерлари, ўтирган мажлисларидан қўзғоладиган бўлсалар, икки ракат намоз ўқир эдилар» (Ҳоким ривояти)

РАСУЛУЛЛОХ СОЛЛАЛЛОХУ АЛАЙХИ ВАСАЛЛАМ ҚАНДАЙ ҚИРОАТ ҚИЛГАНЛАР

**Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:
«Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам қироат
қилганларида оятларни ажратиб-ажратиб ўқирдилар».**

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилган.

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоху алайхи васаллам қироатала-
рини оят-оят қилиб ажратардилар: «Алҳамду лил-
лаҳи Роббил-Ҷаламин» деб, сүнг вақф қилардилар,
«Арроҳманир-Роҳим» деб, сүнг вақф қилардилар».

Термизий, Ҳокум ривоят қилган.

Яъло ибн Мамлақдан ривоят қилинади:
«У Умму Салама розияллоху анҳодан Набий сол-
лаллоху алайхи васалламнинг намозлари ҳақида
сўради. Шунда у киши: «Сизлар қаёқдаю, у зотнинг
намозлари қаёқда?! У зот намоз ўқир, сўнг намоз
ўқиганчалк ухлар, сўнг ухлаганларича намоз ўқир,
сўнг намоз ўқиганларича ухлар эдилар. То тонгача
шундай бўлар эди», деди-да, у зотнинг қироатлари-
ни мақтай кетди. У зотнинг қироатларини мақтай ту-
риб: «Ҳарфма-ҳарф, аниқ-аниқ ўқирдилар», деди».

Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят
қилган.

Қатодадан ривоят қилинади:

«Анасадан: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва-
салламнинг қироатлари қандай эди?» деб сўради.
Шунда у: «Чўзиқ эди», деди-да, кейин «Бисмил-
лаҳир-Роҳманир-Роҳим»ни «Бисмиллаҳ»ни чўзид,
«Ар-Роҳман»ни чўзид, «Ар-Роҳим»ни чўзид ўқиб
берди». Яъни Расулуллох соллаллоху алайхи ва-
саллам мад – чўзиқ унли бор ўринларда мадни аниқ
чўзид ўқир эдилар.

И мом Бухорий ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Абу Қайсдан ривоят қилинади:

«Мен Оиша розияллоху анҳодан Набий соллал-
лоху алайхи васалламнинг қироатлари ҳақида: «У
зот қироатни ичларида қилармидилар ёки жаҳрий
(ошкора) қилармидилар?» деб сўрадим. У: «Ҳар
қайсисини ҳам қилардилар. У зот (қироатни) гоҳида
ичларида, гоҳида ошкора қилардилар», деди».

Муттафақун алайҳ.

Умму Ҳонийдан ривоят қилинади:

«Мен тунда ёпигим устида туриб олиб Расулуллох
соллаллоху алайхи васалламнинг Каъба олдидағи
қироатларини эшитар эдим».

Насойӣ ва Ибн Можа ривоят қилган.

Жубайр ибн Мутьим розияллоху анҳудан ривоят
қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васалламнинг шом на-
мозида Тур сурасини ўқиётгандарини эшитдим. «Ёки
улар, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзлари яралган-
ларми?! Ёки улар яратувчиларми?» оятига келганда
қалбим учиб кетай деди».

И мом Бухорий ривоят қилган.

Баро ибн Озиб розияллоху анҳудан ривоят қили-
нади:

«Набий соллаллоху алайхи васалламнинг хуфтон-
да «Ваттийни ваз-зайтун»ни ўқиётгандарини эшит-
дим. Бирор кишидан у зотнинг овозларидан кўра чи-
ройли овоз эшитмаганман».

Муттафақун алайҳ.

Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васалламнинг туюла-
рида Қуръон ўқиб кетаётгандарини кўрдим. Фатҳ сур-
асини майин қилиб ўқиб кетаётган эканлар. Оҳанг
қилиб ўқиб кетаётгандилар».

И мом Бухорий ривоят қилган.

Авс ибн Ҳузайфа розияллоху анҳудан ривоят қи-
линади:

«Бир кеча Расулуллох соллаллоху алайхи вассал-
лам олдимизга кеч қолиб чиқдилар. Биз: «Эй Аллоҳ-
нинг Расули, кеч қолиб кетдингизми?» дедик. Шунда
у зот: «Қуръондан ҳизбим* қолиб кетган эди, ўшани
тугатмасдан чиқиши истамадим», дедилар. Кейин
биз Расулуллох соллаллоху алайхи вассалламнинг
асҳобларидан: «Расулуллох соллаллоху алайхи вассаллам
Қуръонни қандай ҳизбга ажратар эдилар?» деб
сўрадик. Улар: «Учта, бешта, еттита, тўққизта, ўн бит-
та, ўн учта (сурा) ва «Муфассал» ҳизби», дейишди».

Табароний ва Таҳовий ривоят қилган.

Изоҳ: Ҳизб – бўлак дегани бўлиб, Қуръондан ҳар
кун учун вазифа сифатида ажратиб олинган бўлакка
нисбатан ишлатилган. Муфассал – Қуръоннинг Ҳужу-
рот сурасидан бошлаб охиригача бўлган қисми.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

ШАМОИЛИ МУҲАММАДИЙЯ

(ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “ШАМОИЛИ МУҲАММАДИЙЯ”
ТЎПЛАМИ АСОСИДА КИТОБ ТОПА ОЛМАГАН ЁКИ КИТОБ
ЎҚИШГА ВАҚТИ ЙЎҚЛАР УЧУН ТАЙЁРЛАНДИ)



Расуллороҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, ўрта бўй эдилар.

Ранглари оқ-қизил, юзлари буғдорянг эди.

Олдинга мойил бўлиб юрадилар.

Икки елкаларининг ораси кенг эди.

Кафт ва қадамлари тўла, гўштдор.

Бошлари катта, юзлари думалокроқ, кўзлари қора эди.

Суякларининг қўшилган ери йўғон.

Тана аъзолари бир-бирига мутаносиб, хушбичим эди.

Сийнадан киндиккача узун ва ингичка мўй.

Баданлари туксиз.

Бирор тарафга бурилсалар, гавдалари билан қайрилар эдилар.

Пешоналари кенг.

Киприклиари узун, қошлиари қўшилмаган, эгик эди.

Бурунлари баланд, қиррали.

Соқоллари қалин эди.

Тишлари майда, ялтирок, олдинги тишлари бир-биридан алоҳида кўринар эди.


Қорин ва сийналари текис ҳамда баробар.

Кўкраклари кенг, билаклари узун.

Икки елкалари ўртасида пайғамбарлик муҳри бор.

Муҳри нубувват капитар тухумидек келадиган қизгиш гўшт, усти тукли эди.

Юришлари тез.
Хаммадан олдин салом берардилар.
Хамма ишни ўнгдан бошлишни яхши кўрадилар.
Сочлари икки қулоқларининг ярмига тушарди.
Сочларини тараф, бўяр (кора-қизил рангга) ва баъзида фарқ очардилар.
Сочга ёғ сурттардилар, ҳаж ва умрада олдирганлар.
Кўзларига ҳар кечада сурма кўядилар.
Кийимни йиртилиб-тўзигунча киярдилар.
Узуклари кумушдан бўлиб, ўнг қўлга таққанлар.
Салла ўрадилар (7-12 газ).
Изорлари тўпиқдан пастга тушмаган.
Таомни суюниб емасдилар. Таомни айбламас, ёқса ер, ёқмаса тарк этардилар.
Таомдан сўнг бармоқларини уч бор ялардилар.
Хонтахта устида овқатланмас эдилар.
Таомлари товук гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, сирка, зайдун ёғи, арпа нони, нон тўғралган шўрва (сарийд), хурмо, талқон эди. Ширина ва совуқ ичимликни, сутни, замзамни яхши кўрадилар.
Пиёлалари ёочдан бўлган эди.
Бодринг ва қовунни (янги) хурмо билан қўшиб ер эдилар.
Сув ичганларида уч бор тўхтаб-тўхтаб, нафас олиб ичардилар.
Хушбўйликлар учун маҳсус идишлари бор эди.
Бирор нарсага ишора қилсалар, бутун кафтлари билан ишора қилардилар.
Еттита қиличлари бўлган.
Шеър ўқир ва эшиштар эдилар (шоирлари Ҳасан ибн Собит).
Аввал икки ракат енгил намоз ўқиб, кейин таҳажжудга киришардилар.
Қироатни ҳарф-ҳарф, очиқ ва равшан, ҳар бир оятни алоҳида ўқир эдилар.
Куръонни ўзгадан эшишишни суюрдилар.
Тўшаклари теридан, ичига хурмо пўстлоғи солинган эди.
Саҳобалар у зотни кутиб олиш учун ўринларидан туришмасди.
Қаерга борсалар, бўш ўринга ўтирадилар.
Үйдаги вақтлари учга бўлинарди: 1) ибодат; 2) уй ишлари; 3) шахсий ишлар.
Ҳар бир ишнинг тадбирини олдиндан қилар эдилар.
Ўзларига эрта учун озиқ-овқат олиб қўймас эдилар.
Либослари ўзлари қарар, ўзлари ямар, жони-ворлар сутини ўзлари соғар эдилар.
Сарик либосни сўймас эдилар.
Ҳеч кимни урмаганлар.
Ўзлари дарвешона ҳаёт кечирсалар-да, эҳсонлари шоҳларнидан ҳам аъло эди.
Ҳадя олиб, мукофот берардилар, ҳадяларни келган куниёқ мұхтожларга тарқатардилар.



Узоқдаги товушларни ҳам эшитар, ҳеч ким кўра олмайдиган масофани бемалол кўрар, қоронѓуда ҳам кундуздагидек кўраверар эдилар.

Лўнда, қисқа, аниқ, такаллуфдан холи ва айни пайтда фасоҳат билан гапирап эдилар.

Ҳар кимнинг ақлига мослаб гапирадилар.

Ҳазилларига асло ёлтон аралашмас эди.

Кулишлари чиройли табассумдан иборат эди.

Дастлаб кўрган одамни ҳайбатлари босар, муомала қилиб таниганидан сўнг ҳамма у зотни яхши кўриб қолар эди.

Туя, от мингандар.

Бир марта ҳаж, тўрт марта умра қилганлар.

Кам овқат ер, кам ухлар эдилар.

Ўзлари учун интиқом олмас эдилар.

Вафот этганларида ҳазрати Али (каррамаллоҳу важҳаҳу) ғусл қилдирган, амакилари Аббос ва у кишининг ўғиллари Фазл (розияллоҳу анхумо) ёрдам беришган.

Қабрларини Абу Талҳа қазиган.

Мерослари садақа қилиб берилган.

Акмал АВАЗ тайёрлади.

НАСРОНИЙ ОЛИМИ НАБИЙ АЛАЙХИССАЛОМНИ ХИМОЯ ҚИЛАДИ

Куфр олами, дин душманлари Исломга қарши жазавали хуружини ҳеч қачон, ҳатто бир соат ҳам тұхтатмаган. Ислом тарихи давомида дин душманларига жүр бўлган олимлар ва адиллар Исломга, унинг муқаддасотларига қарши кураш, Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом шаънларини булғаш учун не-не тұхмат-иғволарни ўйлаб топишмади, дейсиз. Айниқса кейинги беш юз йил мобайнида бу кураш янада шиддатли тус олди. Биргина Оврупада шу даврда Ислом ва унинг муқаддасотларига қарши ёзилган 10 минг китоб босилиб чиқди. Оврупа кинорежиссерлари Ислом, Қуръони карим ва Ҳазрати Мұхаммадні (алайхиссалом) ёмонотлик қилиш мавзууда 131 та фильм ишлашди.

Мусулмонлар ўз динларининг бутун инсониятга юборилган сұнгги ҳақ динлиги, Пайғамбарларининг Аллоҳ таолонинг суюмли элчиси эканини билгеннлари ва бунга иймон көлтиришгани учун ғаламислар тұхматига жавоб беріб ҳам ёки улар билан тортишиб ҳам ўтиришмайды. Шундай бўлса-да адолат тарафыда бўлган Исломдан ташқаридаги айрим холис ва инсофли олимлар тұхматчиларга асосли далиллар билан жавоб қайтаришыпти.

Яқында шундай олимлардан бирининг китоби билан танишишга тұғри келди. Миср православ насронийлар (қибтийлар) черковининг раҳбарларидан бири, Миср Шўро Кенгashi (парламенти)нинг ахборот, маданият ва сайёхлик Қўмитаси раиси доктор Набил Луқо Бобовий «Насроний Мұхаммадни (с.а.в.) ҳимоя қилади» деган каттагина китоб ёзди. Китоб муқовасида «Унинг номига қараб отилган ханжарларга жавобимиз» деган тагсарлавча ҳам кўйилган.

Муаллиф асарининг сўзбошисида бундай ёзади: «Шарқшунослар тарафидан Ислом ҳақида ёзилган китоблар билан танишар эканман, уларнинг кўпі Ислом ва унинг муқаддасотларига, хоссатан Аллоҳнинг Расули Мұхаммад алайхиссаломга қора кўзойнан орқали қарашини англадим. Ваҳоланки, у зот көлтирган таълимотта ҳозир дунёда бир миллиард иккى юз эллик миллион киши иймон көлтирган. Шунинг учун биз ўзимизнинг илмий ва миллий бурчларимиздан келиб чиқиб, мусулмонлар тарафыда ҳам турмаган, уларга қарши мутаассибларча курашмайдиган холис илмий тадқиқотчи сифатида шарқшуносларнинг тұхматларига жавоб бериш керак, деб ҳисоблаймиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу китобдаги барча маълумотлар ишончли манбалардан олинган. Шунинг учун мұхабbat ҳисси билан қуролланиб, мутаассиблик ҳиссидан ҳолос бўлган ҳолда далилларни таҳлил қилиб чиқамиз. Буни шунинг учун қиласизки, насронийлар ҳам, мусулмонлар ҳам Ислом ва насронийлик ҳамда унинг муқаддасотлари ҳақида кўр-кўрана мутаассибиқдан қочган ҳолда холис ва адолат билан ёзсинлар».

Доктор Набил Луқо Бобовий китоб сўзбошисида яна қўидагиларни таъкидлайди: «Исломнинг ўн тўрт асрлик тарихи давомида, милодий 610 йили Аллоҳнинг Расули алайхиссалом Парвардигорнинг ваҳийларини қабул қила бошлаганларидан буён ҳамма нарсага шубҳа билан қаровчилар ва шарқшунослар Ислом ҳақида, унинг Пайғамбари ҳақларида, Исломнинг моҳияти ва кўрсатмалари тўғрисида шубҳа, гумон уруғларини сепишдан тұхтамаётирлар. Бу тұхмат ва бўхтонлар бугунги кунда ҳам давом этиб келаётир. Афсуски, Америкада содир бўлган 11 сентябрь воқеаларидан кейин Исломга ёвуздарча ташланиш яна ҳам авж олиб кетди».

«Ҳар қандай диннинг тарафдорлари ўз динига қаттиқ эътиқод қилади, буни ўзгартыриш жуда қийин иш. Имон фақат Аллоҳ берадиган нарса, ҳеч бир одам бошқа диндаги кишини жазолашга ҳақли эмас. Бундай ҳуқуққа фақат Қиёмат кунининг эгаси Аллоҳ ҳақлидир. Ҳар бир самовий дин тарафдорлари ўзга дин муқаддасотларига ҳурмат билан, нафрат ва мутаассиблариз муносабатда бўлишлари лозим. Исломга, айниқса унинг Пайғамбари Мұхаммадга (алайхиссалом) қарши шиддатли ҳужумлар муносабати билан мен, мусулмон биродарлари ичидан яшаб турган мисрлик насроний шарқшуносларнинг барча ёлғон даъволари ва айбловларига жавоб қайтаришни ўзимнинг илмий ва миллий бурчим, деб билдим. Бу ёлғонлар Пайғамбар номига отилган заҳарли ханжарлардир. Имкони борича бу тұхматларни аниқлаб-тўплаб, уларга батафсил жавоб қайтардим. Ўзим мусулмон эмас, насроний бўлганимдан қатъи назар, илмий тафаккур билангина қуролланиб, мутаассиблик ва нохолис хулюсаларни рад этдим».

Муаллиф китобида Ислом ғанимларининг Пайғамбаримизга, инсонларнинг энг комили бўлган зотга қарши беҳисоб тұхмат ва иғволарни сочишга-


ни ва сочишаётганини ишонарли далил ва мисоллар билан фош этади. Унинг ёзишича, шарқшунос ва «диншунос»лар Аллоҳнинг элчисига ҳеч қандай асосга эга бўлмаган, мутлақо курақда турмайдиган, ҳатто ёш боланинг ҳам ишониши маҳол «айб»ларни тақаш билан одамларни алдамоқчи, Ислом дини ва унинг Пайғамбарини ёмонотлиқ қилмоқчи бўлишади. Китобда Пайғамбар алайҳиссаломга қарши тўқилган туҳматлардан бир нечаси келтирилиб, улар илмий жиҳатдан холис фош этилган.

Дин душманлари иддаи қилиб келаётган туҳматларнинг биринчиси, гўё Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётларида насроний Буҳайро катта рол ўйнаган эмиш, у бутларни тарк этиб, Исо ибни Марям томон юзланишни ўргатган, Қуръон оятларини айтиб ёздирган эмиш. Бу афсона бора-бора яна янги тафсилотлар билан “бойитилади”. Бошқа бир афсонага кўра, гўёки Пайғамбар алайҳиссалом насроний руҳонийи бўлган эмишлар, Папа у кишини шаккокликда айблаб, Арабистонга сургун қилган эмиш. У зот Арабистонда ўз таълимотини Кўхна Аҳд ва Янги Аҳд (Инжил)дан кўчириб, ўзларини Пайғамбар деб эълон қилган ва ва шу тариқа душманларидан ўч олган эмишлар. Яна бир туҳматга кўра, Пайғамбар алайҳиссаломга вахий нозил бўлаётганида у зотни тутқаноқ касали тутиб турган эмиш. Дин душманлари Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётларини ҳам ифво-бўхтон мавзуига айлантириб олишган. Ҳазрати Оишага қилинган туҳмат (Ифк воқеаси) атрофидағи миш-мishларни қасддан бўрттириш, Расули акрамнинг бир неча хотинга уйланишлари сабаблари ва ҳикматини тушунмай, у зотни “хотинбозлик”да айблашлари ҳам уларнинг туҳматларидан бир кўринишdir. Фарbdagi диншунос ва шарқшунослар ҳатто Ислом тарихида улкан аҳамиятга эга бўлган ғазотларни ўлжани кўлга киритиш учун ўйлаб топилган талончилик урушлари деб атashdan, Пайғамбар алайҳиссаломнинг турли ўлкаларнинг подшоҳ ва хукмдорлари Ҳиракл, Кисро, Муқавқас, Faccоний, Нажоий ва бошқаларга юборган мактубларини инкор этишдан ҳам уялишмайди. Бундан ташқари, муаллиф ўз китобида Farbning таникли шарқшунослари ва тадқиқотчилари Монтгомери Ватт, Клейман Хувар, Мергелиюс, Бэндли Жузи, Тольстов, Арнольд ва бошқаларнинг Исломни ва Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломни ёмонлаш, у зотнинг шахсларини ва қилган ишларини қоралаш мақсадида тинмай тарқатиб келган туҳмат ва бўхтонларини далиллар асосида, илмий жиҳатдан холис фош этади. Доктор Набил Бобовий ўз китобида Пайғамбаримиз шаънларига отилган туҳмат ўқларининг ўндан зиёдини келтириб, уларнинг ғирт асоссизлигини, туҳматдан бошқа нарса эмаслигини илмий далиллар билан исботлаб беради.

Мазкур китобни араб тилидан Алоиддин Фарахат Ҳасан ва Муҳаммад Али Солиҳ русчага ўгиришган.
Аҳмад МУҲАММАД.



НАЗМЛАРДА НАБИЙ АЛАЙҲИССАЛОМ ВАСФЛАРИ



ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ ВАСФЛАРИДА МУХАММАС

Аллоҳу карим ошиғиу шайдоси Мұхаммад,
Раҳмону Раҳим маҳбуби аълоси Мұхаммад,
Ҳар насли башар орзу, таманноси Мұхаммад,
Ислом элининг машъали дунёси Мұхаммад,
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Мұхаммад.

Ҳақ Ҳазратимиз токи Мұхаммадни яратди,
Эъзозу мұхабbat назарин унга қаратди,
Ваҳдат нури, шафқат нурини унга таратди,
Ислом элининг машъали дунёси Мұхаммад,
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Мұхаммад.

Пайғамбаримиз нур ила, пайғом ила келди,
Күръони мажид бағрида ақом ила келди,
Иймони илоҳий ила, Ислом ила келди,
Ислом элининг машъали дунёси Мұхаммад,
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Мұхаммад.

Күръону ҳадис бандасига лутфу карамдир,
Инсоғы адолат сўзи ҳар сатрида жамдир,
Ҳар лаҳзада минг мартаба тақрорласа, камдир,
Ислом элининг машъали дунёси Мұхаммад,
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Мұхаммад.

Ҳақ ташна юрибмиз, лабимиз ҳўлла, Худоё,
Инсонни хидоят йўлига йўлла, Худоё,
Маҳшарда Мұхаммадни Ўзинг қўлла, Худоё,
Ислом элининг машъали дунёси Мұхаммад,
Раҳмат селининг дилдаги дарёси Мұхаммад.

Жамол КАМОЛ,
Ўзбекистон Ҳалқ шоири.

МУСТАФОДАН ЎРГАНИНГ

Ҳаққа қуллик адосин Мустафодан ўрганинг,
Дўстга сидқу вафони Муртазодан ўрганинг.
Пайдо қилиш бизданмас томчи сувдек хилқатни,
Тасарруфи Холиқни ер-самодан ўрганинг.
“Ибрат ол, нодондан” дер ҳазрати авлиё,
Тақвои бериёни серриёдан ўрганинг.
Тарки нафс этмай тоат мақбуллиги мавҳумдир,
Ибодат лаззатини дилсафодан ўрганинг.
Жигаргўша барчага азизу мўттабардир,
Одоби азизлигин анбиёдан ўрганинг.
Фарзанд меҳрин дилга жо айлаган мунисалар,
Дилбандлар тарбиятин бу Заҳродан ўрганинг.
Саодат йўли равон тафаккур соҳибига,
Бу дастурни Мұхаммад – раҳнамодан ўрганинг.

ТАЖАЛЛИЙ.

САВР ТОГИДАГИ FOP

Уч кун мөхмөн қилдинг Расулуплоҳни,
Уч кун зўр ҳадик-ла урди юрагинг.
Қандай кўтарардинг ахир гуноҳни –
Аллоҳ иши учун йўқса керагинг?

Абу Бақр Сиддиқ не озор чекди?
Расууллоҳ сурә муборак малҳам.
Остонангда ниҳол унмиш. Ким экди?
Кайдан учиб келди қабутарлар ҳам?

Неча бор эмаклаб келди изчилар,
Деди: “Ахтарилган одам шу ғорда!”
Аммо ғор ичига ким кира билар
То изн йўқ экан Парвардигордан?!

Расулуплоҳ унсиз дуо қилдилар
Фұхайра, Абдуллоҳ билан Асмони.
Абу Бакр Сиддик шунда билдилар –
Савр ғори бүлмиш – Сабр құрғони!
Ёпди ғор оғзини “пұлат арқон”лар,
Дилда гидир йүқдир асли панохдан.
Расул ибодатдан бұшаган онлар,
Үйларди. Йүл изнинг кутиб Аллохдан.

Гарчи беришгайдир мингта нортая,
Излаб, жар чақириб гарчи толмаслар,
Токи останада – кабутар уя
Сабр күрғонига кира одмаслар

ХАННОНА

Үксиб-үксиб йиғлай бошладинг нечун?
Бунчалар күнглинг бүш экан, Ҳаннона!
Расулуплоҳ келиб бағрига босди
Гүёким гүдагин овутган она...

Бир жонсиз устунда шунчалар меҳр!
Шукрким, йироқман гумон фикридан.
Ваъз ўқирди унга суюниб Расул,
Бахра топар эди Аллоҳ зикридан.

Буқун-чи, Пайғамбар ўтди боқмасдан,
Ўтди ўрнатилган минбар қошига.
Мутаассир бўлди аҳли намоз ҳам,
Чўмди қалбдан оккан шафкат ёшига.

Расулуплоҳ сўрди: “Сени жаннатга Элтайми ё унган чорбогинг сари?”
Деди: “Боқий дунё кўшкида мендан Ҳурмо узид егай Аллоҳ дўстлари....”

Үксиб-үксиб йиглай бошладинг нечун?
Бунчалар күнглинг бўш экан, Ҳаннона!
Расууллоҳ суюб бағрига босди
Гўёким гўдагин овутган она...

Абдүл ЖАЛИЛ ХҮЖАМ.



ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ҲУКМЛАРИ

11-ДАРС

- 1) *Фарз намозларини ўқиши жоиз бўлмаган вақтлар*
- 2) *Маркабда намоз ўқиши*
- 3) *Саждаи саҳв, яъни эсдан чиқарганлик саждаси*
- 4) *Намозда иккиланиб қолиши*
- 5) *Саждаи саҳвнинг ўрни ва унинг сифатлари*
- 6) *Саҳв саждасини қилиши соқит ҳам бўладими?*
- 7) *Сажда тиловати*
- 8) *Тиловат саждасининг кайфияти*
- 9) *Куръони каримдаги сажда оятлари.*

ФАРЗ НАМОЗЛАРИНИ ЎҚИШ ЖОИЗ БЎЛМАГАН ВАҚТЛАР

Учта вақтда фарз намозларини, жаноза намозларини ўқиш, тиловат саждаларни қилиш жоиз эмас.

1. Қуёш энди чиқаётган вақтдан то кўтарилигунча, агар бомдоднинг фарзига киришган бўлса-ю, қуёш чиқа бошлиса, у намоз бузилади ва қўёшнинг наиза бўйи кўтарилишини кутиб, сўнг қазосини ўқиди.

2. Қуёш тиккага келганда. Бу пайт “қиём” дейилади. Ушбу фурсатда ҳам то қуёш оғунга қадар намоз ўқиш ҳаром ҳисобланади.

3. Қуёш ботаётганда. Бу шом намозидан тақрибан ярим соат олдинги вақтдир. Лекин ўша куннинг аср намози ўқилмаган бўлса, у қўёшнинг ярми ботган бўлса ҳам, ўқиб олинади.

Жаноза намозлари ҳам агар майит шу уч вақтдан олдин ҳозир бўлса, ўша вақтни киргизиб ўқиш дуруст бўлмайди. Аммо қуёш чиқаётганда ёки тиккага келганда, ботаётганда майит тайёр бўлса, жаноза намозини ўқиш жоиз. Лекин афзали бу вақтни ўтказиб, кейин ўқишдир. Тиловат саждаларини ҳам олдин ўқиб қўйиб, сўнг ушбу вақтлардан бирининг киришини кутиб, кейин сажда қилиш жоиз эмас. Лекин сажда қилиш жоиз бўлган фурсатча кечикириш афзал.

МАРКАБДА НАМОЗ ЎҚИШ

Миниб юриладиган ҳайвонлар устида қайси томонга юзланиб бўлса ҳам нафл намозлар ўқиш жоиздир. Машина, самолёт, поезд ва бошқа миниладиган нарсалар уловлар жумласидандир. Улов устида нафл намоз ўқиш учун узоқ сафарга чиқкан бўлиши шарт эмас, балки муқим киши узрли бўлмаса ҳам, нафл намозларини маркаб устида ўқиши мумкин.

Намозни бошлашда қиблага юзланган бўлиши ҳам шарт эмас, лекин машаққат бўлмаса, қиблага юзланни олиш мустаҳаб ҳисобланади. Уловини намоз ўқиш асосида юришига оз амал билан тезлаши жоиз бўлади. Фарз, вожиб ва кўп таъкидлангани учун бомдоднинг суннатини ҳам улов устида ўқиш мумкин эмас. Фақат зарурат бўлсагина, дуруст бўлади. Мисол учун ўғрининг хавфи бўлса ёки маркабдан тушса, ўзига ёки отига ё юкларига зарар етса, шу каби узрлар билан фарз, вожиб, бомдод суннатини ҳам маркабда ўқиш жоиз бўлади. Йўловчи оёғида

юриб кета туриб нафл намозларини ўқиши жоиз эмас. Қачон намоз ўқимоқчи бўлса, тўхтайди ва у намозни мукаммал ўқиди.

САЖДАИ САҲВ, ЯЪНИ ЭСДАН ЧИҚАРГАНЛИК САЖДАСИ

Эсдан чиқаргани учун қилинадиган сажда “саждаи саҳв” дейилади. Уни бажаришнинг ўзига хос сабаблари бор:

1. Агар намоз руқнларидан бирортасини эсдан чиқариб кечикириса, саждаи саҳв қилади. Мисол учун, намозни бошлаб сано дуосини ўқигандан сўнг қироатни бир руқнни адо қилиш миқдорича ўқимай кечикириса ёки қироатни қилиб бўлиб, рукуъ қилиши кечикириса, ёки биринчи ракатни ўқиб бўлиб, сажда қилгандан сўнг иккинчи ракатга турини бир руқн адо қилиш миқдорича кечикириса ва шу каби руқнларни кечикириш сабаби билан саждаи саҳв қилинади. Бир руқн уч тасбех ёки бир узун оят ва ё уч қисқа оят миқдорича белгиланади.

2. Намоздаги вожиблардан бирини эсдан чиқариб тарк қиласа ҳам, саждаи саҳв қилади. Мисол учун, сурай Фотихани ёки ундан кейинги сурани, тўрт ракатли ёки уч ракатли намозлардаги аввалги қаъдани тарк қиласа, саждаи саҳв қилади. Аввалги қаъдада ўтириш фарзда ҳам, нафл намозларида ҳам вожибdir. Ким аввалги қаъдада ўтиримай, қиёмга туриб кетса, намозини давом эттиради ва намоз охирида саждаи саҳв қилади. Чунки у вожибни тарк қилди. Вожиб тарк бўлса, унинг ўрни саждаи саҳв билан тўлдирилади. Агар қиёмга тургандан сўнг ўртадаги қаъдада ўтиримагани эсига тушиб қолса-ю, кейин намозини давом эттирамай ўтириса, гуноҳкор бўлади. Чунки у фарздан вожибга қайтган ҳисобланади. Баъзи уламолар “намоз бузилади ҳам”, дейишади, лекин намози бузилмаса-да, саждаи саҳв қилади. Аммо аввалги қаъдани ўтиримай қиёмга туриб кетмоқчи бўлса-ю, қаъда ўтириш кераклиги эсига тушиб қолса, ўша ҳолатига қарайди, агар қаъдага яқин бўлса ўтиради, ташаҳхудни ўқиб, кейин учинчи ракатга туради. Саждаи саҳв қилмайди. Лекин қиёмга яқин бўлса, қаъдани тарк қилади-да, қиёмга туради ва намозининг охирида саждаи саҳв қилади.

Намоздаги вожибларни тарк қилишлар жумласига витр намозидаги кунут дуосини ўқимай рукуъга бориб қолиш ҳам киради. Имомнинг жаҳрий намозларидаги қироатни маҳфий қилиб қўйиши, маҳфий намозларни жаҳрий қилиб қўйиши ҳам вожибни тарк қилиш жумласидандир. Ушбу ҳолларда ҳам намоз охирида саждаи саҳв қилинади.

3. Намоздаги вожиблардан бирини ўз ўрнидан кечикириса ҳам, саждаи саҳв вожиб бўлади. Мисол учун, Фотиха сурасини зам сурадан кейинга кечикириб ўқиса ва ҳоказо.

4. Намоз амалларидан бирортасини зиёда қилиб қўйса ҳам, саждаи саҳв вожиб бўлади. Мисол учун, бир ракатда икки бор рукуъ қилиб қўйса ёки уч марта сажда қиласа ва ё ортиқча ракатнинг қиёмига туриб кетса ва ҳоказо. Агар намозхон охирги қаъдага ўтиримай, эсидан чиқиб ор-

тиқча ракатга туриб кетса, то ўша ракатнинг саждасигача эсига тушшиб қолса, қаъдаи охирга ўтиради ва сўнгиди саждаи саҳв қиласди. Чунки у охирги қаъданинг фарзини кечиктириди. Аммо ортиқча ракатнинг саждасини қилиб қўйса, ушбу фарз намози нафлга айланади ва олтинчи ракатни ҳам тўлдириб қўйиш маъқупдир. Чунки нафллар ракати тоқ бўлмайди. Намозни адо қилгач, фарзни қайтариб ўқийди. Чунки у намознинг руқнларидан бўлган қаъдаи охирни йўқотди. Руқн адо қилинмаса, намоз қайтариб ўқиласди. Аммо вожиб тарк қилинса, саждаи саҳв билан намоз ўрнига келади. Агар қаъдаи охирда ўтириб ташаҳхудни ўқиган бўлса-ю, кейин ортиқча ракатга билмай туриб кетса, эсига тушган заҳоти ўтиради ва ташаҳхудни қайтариб ўқимай, салом беради. Аммо зиёда ракатнинг саждасини қилиб қўйган бўлса ҳам, фарз намози бузилиб, нафлга айланмайди. Чунки у охирги қаъдани ўтирган. Фақат яна олтинчи ракатни ҳам ўқиб, салом беришни кечиктиргани сабабли намоз охирида саждаи саҳв қиласди. Кейинги икки ракати нафлга ўтади. Саждаи саҳвнинг кўриниши фарз ва нафлларда ҳам бир хилдир.

(Изоҳ: бир намозда вожиблардан бир нечтаси тарк бўлиб ёки аркон кечиктирилса ҳам, бир марта саждаи саҳв қилиш кифоя қиласди).

НАМОЗДА ИККИЛАНIB ҚОЛИШ

Агар намозхон намозининг ракатларида шакка тушшиб қолса ва ушбу шакланиши биринчи бор бўлаётган бўлса, намозини бузиз янгидан ўқиди.

(Улуғ имомлардан бирининг шогирди ахли сўфийлардан бўлган кишига савол қилиб: «Тақсир, агар киши намозининг ракатларида «иккинчи ракатмиди ёки учинчиси эдими?» деб шакланса, нима қилиши керак?» деб сўраганида, сўфий унга қараб: «Улуғ Роббисининг ҳузурида бўлатуриб шакланадиган ундан ғофил қалбни муолажа қилиш керак», деб жавоб берган экан).

Албатта, намоз ўқувчи имкон қадар хушуъни ҳосил қилишга интилиши керак бўлади. Лекин шакланишунда доим бўлса, энди намозини бузмайди, балки гумони ғолиб бўлган томонини ҳисобга олиб, намозини давом ўтиради. Аммо гумони бир томонга ғолиб бўлмаса, унда шакланган ракатининг озини эътиборга олади. Мисол учун, «Учинчи ракатми ёки тўртинчи ракатми?» деб шакланган бўлса, учинчи ракат эди, деб ҳисоблайди ва ўша ракатда ўтириб, ташаҳхуд ўқиши вожиб бўлади. Чунки у тўртинчи ракат ҳам бўлиши мумкин-да. Кейин яна ўридан туриб тўртинчи ракатни ўқиди ва охирида саждаи саҳв қиласди. Биринчи ва иккинчи ракатда ёки иккинчи ва учинчи ракатлар орасида шакка тушшиб қолса ҳам ҳудди шу кўринишга амал қилинади. Мисол учун, тўрт ракатли пешин намозини ўқиётган киши биринчи ва иккинчи ракатда иккиланиб қолди. У нима қиласди? Бунда у биринчи ракат деб озини ҳисобга олади. Иккинчи ракатни ҳам ўқиб, ўртадаги аввалги вожиб қаъдани ўтиради. Сўнг учинчи ракатга туриб, уни адо қиласди-да, яна қаъда ўтиради. Чунки бу тўртинчи ракат бўлиши ҳам мумкин. Кейин яна туриб, биз тўртинчи ракат, деб эътиборга олган ракатни ўқиди ва намоз охирида саждаи саҳв қиласди. Демак, гумони ғолиб томонига амал қилиб кетса, саждаи саҳв қилмас экан. Лекин гумони ғолиб бўлмаса, шакланган ракатларининг озини эътиборга олиб, учинчи ракатдан сўнг албатта қаъдаи охирни ўтирад экан. Чунки у тўртинчи ракатни ўқиётган бўлиши

ҳам мумкин. Тўртинчи ракатдан сўнг қаъдаи охирни ўтири маса, маълумки, фарз намоз нафлга айланаб кетади. Шунинг олдини олиш учун шакланган киши албатта учинчи ракатдан сўнг ўтириб, ташаҳхудни ўқиди ва кейин кам томонини ҳисобга олгани сабабли тўртинчи ракатга ҳам туриб, уни адо қиласди. Бу янглишмовчиликнинг барини саждаи саҳв билан тўлдириб қўяди.

Ким ракатнинг ададида иккиланиб, уни топиш учун учтасбех миқдорича ўйланиб туриб қолса ҳам, намоз охирида руқнни кечиктиргани учун саждаи саҳв қиласди.

САЖДАИ САҲВНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ СИФАТЛАРИ

Агар намозхон намоз асносида саҳв саждаси вожиб қиласдиган бирор амални содир этиб қўйса, у намозини юқорида баён қилинганидек охирига етказади-да, саломни фақат ўнг томонига беради, сўнгра ҳудди намоздаги каби икки марта сажда қиласди. Кейин яна ташаҳхудни қайтариб ўқиди. Бу амал вожибдир. Саловоту Иброҳимиyяни ўқишлик эса мустаҳабдир. Кейин намоздан чиқиш учун ўнг ва чап елкасига қараб салом беради. Шу билан нуқсон етган намози ўрнига келиб, комил бўлади.

САЖДАИ САҲВНИ ҚИЛИШ СОҚИТ ҲАМ БЎЛАДИМИ?

Саждаи саҳвни қилиш ушбу ҳолатларда соқит бўлади:

1. Агар бомдод намозини ўқиётганда вақт зик бўлиб, қуёш чиқиб кетиш эҳтимоли бўлса ёки аср намозида ҳам вақт кам қолиб, қуёш ботиб қолиши мумкин бўлса, саждаи саҳв тарк қилинади;

2. Агар имом жума ёки ҳайит намозларида саждаи саҳвни вожиб қиласдиган хатога йўл қўйса, жамоатта ташвиш түғдирмаслик учун уни тарк этади.

3. Имомга иқтидо қилган киши ҳам ўз хатоси сабабли саждаи саҳв қиласди, балки агар имом саждаи саҳв қилса, шунда у ҳам имомга эргашгани учун уни қиласди. Буни ўзининг адашгани учун эмас, балки имомга эргашиш вожиб бўлгани учун қилган ҳисобланади. Масбуқ, яъни имомга кечикиб иқтидо қилган киши агар имом саждаи саҳв қилса, унга тобеъ бўлган ҳолда сажда қиласди. Кейин туриб етолмай қолган ракатларини ўқиб олади. Имом бир томонга салом берса, иккинчи томонга салом беришини масбуқ бир оз кутиши лозим. Чунки шунда имомнинг хато қилган-қилмагани маълум бўлади.

4. Агар намозхон саҳв саждасини қилаётib адашса, бунинг учун саждаи саҳв қиласди. Киши саждаи саҳв қилишини эсидан чиқариб қўйса, модомики, намоздан ташқаридаги амаллардан бирини қилмаган бўлса, яъни қибладан бурилиб кетмаган ёки бирор сўз айтмаган ва шу каби амалларни бажармаган бўлса, у саҳв саждасини қайтариб қиласди. Саҳв саждасини вожиб қиласдиган амаллардан бир нечтаси содир бўлса-да, уни бир марта қилиш кифоя.

ТИЛОВАТ САЖДАСИ

Сажда оятларини ўқувчи ҳам, эшитувчи ҳам сажда қилиши вожиб бўлади. Унинг вожиб бўлишининг шарти намоз вожиб бўлишидаги ахлийлик кабидир. Ахлийлик – мусулмон, балоғат ёшига етган, таҳоратли (ҳайз, нифос ва жунублиқдан пок) бўлишдир. Сажда оятларидан бири ўқилгач, уни эшитувчи ва ўқувчи учун баъзан кенг вақтда ва баъзида тез фурсатда сажда қилиб олиш вожибдир. Агар сажда ояти намоздан ташқарida ўқилса ва ёки эши-

тилса, уни бажариш учун фурсат кенгрөң бўлса, кечикириган киши гуноҳкор бўлмайди. Аммо ҳаётининг охиригача кечикириб, сажда қила олмай вафот этса, гуноҳкор бўлади. Уни кечикиришнинг ҳукми енгил макрухдир. Агар сажда ояти намоз ичида тиловат қилинса, бу ҳолда уни адо этишни кечикириб бўлмайди, балки вақт ўтказмай, сажда қилиш вожиб бўлади.

Агар қасдан сажда қилмаган бўлса, гуноҳкор бўлади. Чунки уни адо қилиш фурсати оздири. Шу вақтнинг ўзида саждани қилиб қўйиш керак. Намоз ичида сажда тиловати ўқилиб сажда қилинмаса, намоздан сўнг унинг қазоси адо этилмайди. Сажда оялари суранинг ўртасида ёки охирида бўлиши мумкин. Агар сажда ояти суранинг ўртасида бўлса, намозхон уни қироат қилиш билан тўғри саждага бориши афзалдир. Бир марта сажда қилгандан сўнг яна қиёмга туриб сурани охирига етказади ёки шу сурадан намозга кифоя қилгудек ояларни қироат қила-ди-да, рукуъга боради. Агар сажда қилмаса, фурсатни ўтказиб қўймай, сажда ояти учун қилинадиган саждани ҳам ният қилиб рукуъ қиласди. Рукуъ оят саждаси ўрнига ҳам ўтади. Аммо сажда оятидан сўнг вақтни ўтказмай, сажда қилган кишига оят саждасини ният қилиш шарт эмас. Мабодо, сажда қилиш фурсати ўтиб қолса-ю, модомики у намоз ичида экан, рукуъ билан ҳам, сажда билан ҳам сажда оятини ўқигани учун қилинадиган саждани адо қилмайди, балки шу намознинг ўзида хос битта сажда қиласди.

Агар сажда ояти сура охирида бўлса, намоз ичида уни ўқиш билан орқасидан саждани ҳам ният қилиб рукуъ қилиш афзалдир. Демак, шу рукуъ тиловат саждасининг ўрнига ўтар экан. Аммо сура охиридаги сажда оягини ўқиб, кейин тўғри саждага борса, саждадан кейин яна қиёмга қайтади ва шу сурадан кейинги сурадан бир неча оят ўқиб, сўнгра рукуъ қиласди-да, намозини охирига етказади. Сажда тиловатини эшитувчи хоҳ ўқувчининг ёнида туриб эшитсин, хоҳ узокроқдан, (яъни микрофон орқали эшитсин) фарқи йўқ, барибир сажда қилиши вожиб бўлади. Бунинг акси ўлароқ, эшитувчи сажда оягини балоғатга етмаган гўдакдан ёки мажнундан ёки овоз ёзувчи мосламадан эшитса, унга сажда қилиш вожиб эмас. Чунки тиловат аслидан эмас, балки унинг ахли бўлмаганлардан содир бўлмоқда.

(Изоҳ: демак бунда сажда қилиш вожиб, деб эътибор қилинмайди, балки сажда қилиб қўйса, яхши бўлади. Лекин қилмаганлар гуноҳкор ҳисобланмайди. Чунки акс асл ҳукимида эмасдир).

Битта сажда оягини бир ўринда кўп бор тақорласа ҳам, бир марта сажда вожиб бўлади. Аммо жой ўзгарса, ҳар бир жой учун алоҳида сажда қилиш ҳам лозим бўлади.

ТИЛОВАТ САЖДАСИННИГ КАЙФИЯТИ

Тиловат саждасини қилиш учун ҳам намоздагидек шартлар лозим бўлади. Фақат бунда тақбири таҳрима бўлмайди. Тиловат саждаси жаҳрий икки суннат тақбири ўртасида ва икки мустаҳаб қиём орасидаги бир марта саждадир. Икки кўл кўтарилимайди, ташаххуд ўқилмайди ва салом ҳам берилмайди. Балки (тик турган ҳолида) тақбири айтиб саждага йиқилади. Унда тасбех айтиб, сўнг тақбири билан яна қиёмга қайtадi.

Саждада «Субҳана Раббиял аъло» деб уч бора айтади. Унга қўшиб ушбу дуони ўқиш ҳам мустаҳабдир.

اللَّهُمَّ اجْعَلْنَا عِنْدَكَ دُخْرًا وَ أَعْظَمْ لِي بِهَا أَجْرًا وَ ضَعِّفْ عَنِّي بِهَا وَزْرًا وَ تَقْبِيلَهَا مَنْيَ كَمَا تَقْبِيلَهَا مِنْ ذَوْدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ

“Аллоҳуммажъалҳа ъиндака зуҳрон ва аъзимлий биҳа ажрон вазоъ ъанний биҳа визрон ва тақоббалҳа минний кама тақоббалатаҳа мин Давуда алайҳиссалам”.

«Аллоҳим, ушбу саждани ҳузурингда (менга) заҳира қилгин, у сабабли ажримни зиёда қилгин, унинг сабабидан гуноҳларимни кечиб юборгин, бу саждани худди Давуд алайҳиссаломдан қабул қилганингдек, мендан ҳам қабул эт».

Яна бу дуони ҳам айтади:

سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ وَشَقَ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ بِحَوْلِهِ وَ قُوَّتْهِ فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَكْثَرُ الْخَالِقِينَ

«Саждада важхий лиллазий холақоҳу ва шаққо самъаху ва басороҳу биҳавлиҳи ва қувватих фатабарокалпоҳу аҳсанул холиқийн».

Маъноси: «Юзим уни Яратган ва унда куч-куввати билан кўз-кулоқни очган Зотга сажда қилди. Бас, яратгувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳ баракотли ва буюқдир.».

(Изоҳ: Тиловат саждаси учун қуйидаги дуони ўқиса ҳам бўлади:

سَجَدْتُ لِلرَّحْمَنِ آمَنْتُ بِالرَّحْمَنِ سَمِعْنَا وَأَطَغْنَا غُفرانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ

«Раҳмоннинг ўзигагина сажда қилдим, Раҳмонга иймон келтирдим. Эшитдик ва итоат қилдик, эй Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир»).

Ўтирган ҳолида сажда оягини тиловат қилган киши тик туриб кейин сажда қилиши мустаҳабдир. Сажда оягини тиловат қилган киши билан уни эшитганлар бирга сажда қилишса, эшитганлар тиловат қилгандан олдин бошларини саждадан кўтармаганлари маъқул. Чунки оягини ўқиган киши эшитувчилар учун имом ўрнида бўлади.

ҚУРЬОНИ КАРИМДАГИ САЖДА ОЯТЛАРИ

Қуръони каримнинг ўн тўрт жойида сажда ояти бўлиб, уни ўқиган ва эшитган кишилардан сажда қилишлари талаб қилинади. Уларни сизга тартиб билан баён этамиз:

1. Аъроф сурасининг 206-ояти.
2. Раъд сурасининг 15-ояти.
3. Наҳл сурасининг 49-ояти.
4. Исро сурасининг 109-ояти.
5. Марям сурасининг 58-ояти.
6. Ҳаж сурасининг 18-ояти.
7. Фурқон сурасининг 60-ояти.
8. Намл сурасининг 24-ояти.
9. Сажда сурасининг 15-ояти.
10. Сод сурасининг 24-ояти.
11. Фуссилат сурасининг 37-ояти.
12. Нажм сурасининг 62-ояти.
13. Иншиқоқ сурасининг 21-ояти.
14. Икроъ сурасининг 19-ояти.

Ушбу сажда ояларининг ҳар бирига Мусҳафи шарифда ўқиган кишини огоҳлантириш учун белги қўйилган. Сажда қилиш ушбу оялардан бирини бутун ўқиганда вожиб бўлади. Сурадаги сажда оягини ўқимасдан ташлаб кетиш макрухдир. Чунки бу саждани ёқтирасликка ўхшаб қолади. Таҳорати ўйқлиги сабабли сажда қилишга тайёр бўлмаган кишиларга шафқат қилиб, улар олдида сажда оягини махфий ўқишини уламолар яхши амал, деб санашган.

Аброр МУХТОР АЛИЙ тайёрлаган.

ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Савол: Олдинлари қўл телефонлари бўлмаган. Қиёматга қадар ҳар замон ва ҳар макон муаммола-рига ечим берадиган динимизда телефондан фойдаланиш одоблари ҳақида кўрсатмалар борми?

Жавоб: Кейинги 15-20 йил ичидаги инсоният ил-мий-техникавий майдонда шу қадар тараққий этиб кетдики, бунинг оқибатида ҳаёт ҳақидаги тушунчалар ўзгармоқда, мисли кўрилмаган қулайликлар юзага келмоқда. Шунингдек янги ижтимоий муаммолар пайдо бўлмоқда ва одамлар ўртасидаги муносабатлар шакли шамойили ўзгармоқда. Ҳусусан бунда алоқа воситалари, айниқса телефон ва унга боғлиқ технологияларнинг мукаммалашаётгани чуқур из қолдирмоқда.

Замон ва макон билан тенг қадам ташлайдиган ислом динимиз ҳам доим бундай ўзгаришларга ўзининг муносабати, ҳукмлари ва одобларини тақдим этган ва этмоқда. Оддий мисол. Ҳанафий фиқхимиздаги қизни турмушга бериш масаласида валий бош бўлиши масаласига мурожаат қилсан. Никоҳда валий мuloҳаза ва фикри учун керак. Яъни қизни кимга турмушга берса, унинг манфаатлари тўлиқ ҳимояланишини валий мuloҳазасига ҳавола қилинган. Валийнинг эса даражалари бор. Ўғиллик, оталик, акалик ва амакиликка ўхшаш.

Агар юқоридаги тартиб бузилиб, ота сафардалигига ака валий бўла оладими, деган савол кўндаланг бўлса, фуқаҳоларимиз жавоб қилиб, агар ота уйидан бутунлай узилган бўлса, ундан кейинги даражадаги ака валийлик қила олади дейишган. Бирла-ри бу узилишни йилда бир йил карвон борадиган қадар узоқда бўлиш, дейишса, бошқалари шаръий

сафар ҳисобланмиш уч кеча кундузлик масофада бўлиш, дея таърифлашган. Бошқа бирлари эса хабарни кутилса, қизга муносиб бўлган куёв қўлдан чиқадиган даражадаги ерда бўлса, отанинг ўрнига ака валий саналади, дейишган.

Энди ҳозирги бизнинг тезкор алоқалар замона-мизда бу масаланинг ҳукми ҳам замон имконият-

ларидан келиб чиқиб осонгина ҳал қилинади. Куёв ҳақида маълумот бериб телефон қилинади ва отанинг фикри ва мuloҳазаси олинади. Ундан кейинги даражадаги валийларнинг мuloҳазасига эҳтиёж қолмайди. Бу олдин мавжуд бўлмаган имкониятга ислом шариатининг ҳозирги ҳукми.

Худди шунга ўхшаш икки томони кесадиган пичоқ янглиғ, яъни яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам фойдаланиш мумкин бўлган телефоннинг ўзи-га яраша одоблари, уни ишлатишда амал қилиш керак бўлган тавсиялари бор. Бу одоб ва тавсияларни қўлдан келганича ўрганиб ҳукмингизга ҳавола қиласиз:

1. Сўзлашувда иқтисод. Сабабсиз кўп гаплашмаслик ва бунга одатланмаслик керак. Айримлар уйкудан турганда ҳам гўдак она кўкрагини излагандек телефонини қидириб қолади. Бу ҳозирги кунда кенг тарқаган қасаллик бўлиб, соғлика заари билан

бирга исроф ҳамдир. Ҳаммага маълумки шариатимиз исрофнинг барча кўринишларидан қайтаради.

2. Суҳбатдошни қийнамаслик. Масалан, телефон қилиб: “Мани танимадингизми?”, демаслик, танимаса маломат қилмаслик лозим. Бундай қилиш ислом ахлоқига зиддир. “Саҳиҳайн”да Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинади: “Пайғам-



бар (с.а.в.)нинг ҳузурларига бориб чақирдим. “Ким у?”, дедилар. “Мен” – жавоб қилдим. Ул зот (с.а.в.) гўё норози бўлгандек: “Мен, мен!!”, деб чиқиб келдилар.

3. Суҳбатдош ҳолатини риоя этиш, унинг узрини тўғри қабул қилиш. Чунки у касал ёки бемалол сўзлашиш имкони йўқ масжид, қабристонда каби ёхуд суҳбатни бузиш ноқулай жойларда бўлиши мумкин.

4. Масjidга кирганда телефонни ёки овозини учириш. Бу намоздадаги хушуъ ва намозхонларнинг ҳаёlinи ўғирламаслик учун керакдир. Аммо учирилмаган телефон эгасини ҳам айби учун ноқулай аҳволга солмаслик лозим. Имом Бухорий Абу Ҳурайра (р.а.)дан қилган ривоятларида шундай дейилади: “Бир аъробий туриб масjidга бавл қилди. Одамлар уни уришиб беришди. Шунда Пайғамбар (с.а.в.) уларга: “Уни қўйинглар, бавлига бир чепак сув қўйворинглар. Сизлар эса осон қилишга юборилгансиз, қийин қилишга юборилмагансиз”, дедилар”.

5. Телефонга турли мусикий оҳангларни ўрнатмаслик. Бу хусусан масжид ва мажлисларда фойдадан кўра одамларга кўпроқ ташвиш ва озор келтиради.

6. Илм мажлислари ва мўътабар инсонлар ҳузурида телефонни умуман ишлатмаслик. Шундай қилиш мажлис ҳайбатини сақлашга, таълим фойдаси мукаммал бўлишига ва обрўли инсонлар ҳурматини жойига қўйишга хизмат этади. Агар сўзлашувга қаттиқ зарурат бўлса, узр сўраб мажлисларни сўзлашиш керак.

7. Сўзлашувни суҳбатдошга билдиrmай ёзмаслик ёки бошқалар олдида телефоннинг овоз куҷайтиргичини ёқиб қўймаслик. Бундай қилиш оқил кишига хос иш эмас, хусусан суҳбат хос ва маҳфий бўлса. Чунки бу ҳам омонатга хиёнат ёки чақимчиликдан бир навдир.

8. Телефонни умумий жойларга ташлаб қўймаслик. Акси бўлса телефонида ўзи хоҳламаган сўзлашувлар амалга оширилишига ёки бирор кўриши мумкин бўлмаган мактубларнинг ўқилишига, айниқса суратлар тарқаб кетишига сабаб бўлади. Бунинг орқасидан эса бугунги кунимизда ўткир муаммо бўлиб турган ноҳуш ҳолатлар юзага келади.

9. Телефонда тасвирга олишда эҳтиёт бўлиш. Оммавий муносабатларда, тўй-зиёфатларда ўзига аҳамиятсиз сурат ва видеоларни тасвирга тушириш обрў тўкилиши, оилалалар бузилиши ва бошқа кўпгина ҳунук ҳолатлар ва фитналарга боис бўлади.

10. Бошқаларнинг телефонини текширмаслик, мактубларини ўқимаслик, суратларига назар сол-

маслик. Бундай қилиш бирорнинг айбини очиш, хиёнат ва ёмон гумон каби оғир гуноҳларга сабаб бўлади. Шу сабаб телефон соҳиби ҳам ўзини ноқулай аҳволга соладиган маълумот, мактуб ва суратларни телефонидан учирив ташлаши лозим. Чунки телефони йўқолиб қолса, унутса ёки бирорнинг қўлига тушиб қолса қийин вазиятга тушиб қолади.

11. Одамлар орасида телефонининг мусиқа ва кўнғироқларни ёқиб ўйнайвермаслик. Хусусан аҳли илм ва фазл олдида бу одобдан эмас.

12. Ўзини кўз-кўз қилмаслик. Масалан телефонда сўзлашаётганда атрофдагиларга ўзини ақлли ёки ўта муҳим инсон қилиб кўрсатмаслик керак. Пайғамбар (с.а.в.) айтадилар: “Унга берилмаган нарса билан ўзини тўйган қилиб кўрсатган киши, ёлғон икки кийимни кийиб олгандекдир”. Яъни ўзи улардан бўлмасада зуҳд аҳли, олим ёки бойникидек кийимлар кийиб олган кишидекдир. Имом Бухорий ривоятлари.

13. Телефондан турли фитна ва ҳийлалар учун фойдаланмаслик. Чунки телефон инсонга кўп қуляйликлар келтириш билан бирга ёмон ниятли кишиларга бирорнинг лақиллатиш, обрўсини тўкиш ва қабиҳ ниятларини амалга ошириш йўлларини осонлаштириб қўйди. Киши доим мард бўлиши керак, ҳақиқий саодат бундай фитналар орқали эмас, балки ростлик ва очиқ муносабатлар билан қўлга киритилишини англаши керак.

14. Рақамни аниқ терганига ишонч ҳосил қилиш. Бундай қилинмаса ҳоҳланмаган кишига мактуб жўнатиб, ноқулай аҳволга тушиб қолиниши, танимаган одамга кутмаган мавзусида гапириб тушунмовчилик юзага келиши, оқибатда бир бирига озор бериб қўйилиши мумкин. Бирорга озор бериш эса динимизда доим қораланган.

15. Сўзлашув ва ёзишувлар ўзига маҳрам кишилар билан бўлиши ва номаҳрамлар билан эса фақат зарурат юзасидангина мулоқот қолиниши керак. Бунга амал қилмаслик ёмон гумонларга, ноҳуш ҳолатларга, ҳатто фожеаларга ва Аллоҳ ҳузурида эса гуноҳкорликка сабаб бўлишини унумаслик керак.

“Гўзал ҳулқларни мукаммал қилишга юборилдим”, дейдилар севимли пайғамбаримиз. Ул зотга муносаб уммат бўлиш истагидаги ҳар биримизга бундай одобларга амал қилиш, ҳар бир ҳаракату сукунатимизда испом таълимотларига мувофиқ яшаш лозим. Зоро Пайғамбар (с.а.в.): “Мўминларнинг иймони комиллари ҳулқи чиройли бўлгандаридир”, деганлар. Валлоҳу аълам.

Тошкент Ислом институти мударриси Мубашир АҲМАД тайёрлади.

КҮРИШИШ ОДОБЛАРИ

ЭРКАК АЁЛ БИЛАН, АЁЛ ЭРКАК БИЛАН КҮРИШИШИ МУМКИНМИ?

Күл бериб, қучоқ очиб, ўпид күришиш фақат жинсдошлар ўртасида эмас, балки бир-бирлариға маҳрам бўлган эркак-аёллар ўртасида ҳам жоиз. Биргина шарт – фитна ва ёмон ҳис-туйғулар хавфи бўлмаслиги лозим.

Имом Бухорий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қиласди: «Сўзда ва гапиришда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Фотимачалик ўхшаш одами кўрмадим. Қачон у ул зотнинг хузурларига кирса, ўринларидан туриб, ўпид кутиб олар ва ўз ўринларига ўтқазар эдилар. Агар у зот унинг олдига кириб қолсалар, у туриб у зотни қўлларидан ушлаб, ўпид кутиб олар ва ўз ўрнига ўтқазар эди. У ул зот вафотлари олдидаги хасталикларида хузурларига кирди. Ул зот уни кутиб олдилар ва ўпдилар».

Ушбу ҳадисдан маҳрамларнинг бир-бирлари билан ҳатто ўпид кўришишлари ҳам мумкинлиги келиб чиқади. Аммо номаҳрамлар ўртасида кўришишнинг бирорта шакли жоиз эмас. Жўмхур уламолар ҳатто кўл бериб кўришиш ҳам мумкин эмаслигини айтганлар.

Эркак-аёлнинг бир-бирлари билан кўришишини уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Номаҳрамлар ўртасида. Яъни, кўришаётган аёл билан эркак бир-бирига номаҳрам, яъни ўзаро никоҳланишлари – шаръян эр-хотин бўлишлари жоиз бўлганлар ўртасида. Буларнинг бир-бирлари билан қучоқ очиб, кўл бериб ёки ўпид кўришишлари мумкин эмас, ҳаром ҳисобланади, гарчи кўлқоп каби бирор нарса кўл-кўлга тегишини тўсиб турса ҳам. Чунки уларнинг бир-бирларига шаҳвоний майли бўлиши табиий ҳол. Бунга амакивачча, холавачча, тоғаваччалар, шунингдек, қайноға, қайнисингил каби вақтинча маҳрамлар ҳам киришини унутмаслик керак.

Эркак кишининг номаҳрам аёл билан шаҳвоний хаёlda кўришиши унга ўша маънода назар ташлашдан ҳам оғирроқ гуноҳдир. Тадқиқчиларнинг таъкидлашича, бегона эркак-аёллар кўл бериб кўришганида шаҳвоний ҳирс бир-бирларига назар ташлагандагидан кўра қаттиқ ва тезроқ қўзғалар экан.

Имом Молик, имом Аҳмад, Насойилар Умайя бинт Рақиқадан қилган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен аёлларнинг қўлини олмайман», деганлар. Имом Бухорий ва Муслим Оиша розияллоҳу анҳодан қилган ривоятда у киши: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўллари ҳеч ҳам бирор (номаҳрам) аёлнинг қўлига теккан эмас», деганлар.

Имом Табароний Маъқал ибн Ясор розияллоҳу анҳодан ривоят қиласди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам: «Бирингизнинг бошига темир игна суқилиши унинг учун ўзига ҳалол бўлмаган аёлни ушлаганидан яхшироқдир», дедилар».

Имом Аҳмад розияллоҳу анҳодан «Номаҳрам аёллар билан кўл бериб кўришиш жоизми?» деб сўрашганда, у киши «Йўқ», деб жавоб берган. Сўровчи киши «Кийими билан кўришса-чи? Яъни кийим ўртада тўсиқ бўлиб турса-чи?», деганида у киши яна «Йўқ», деб жавоб берган.

Жўмхур уламолар ушбу ва бошқа далиллар асосида бир-бирларига номаҳрам бўлган ва балоғатга етган эркак-аёлларнинг ҳатто кўл бериб кўришишларини ҳам ҳаром деганлар. Чунки кўришиш томонларни бир-бирларига яқинлаштирувчи омил саналади. Номаҳрамларнинг ўзаро яқинлашуви кўплаб ахлоқизликларга, ёмон оқибатларга олиб келиши ҳеч кимга сир эмас. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Ушбу ҳақиқатни писанд қилмаган жамиятларнинг аҳволи барчага аён. Шу боис, номаҳрам эркак-аёлларга бир-бирлари билан учрашганларида саломалашиб билан чекланишлари лозим. Аммо эркак киши катта ёшдаги аёллар ва рағбат уйғотадиган ёшга етмаган қизчалар билан кўл бериб кўришиши истисно тариқасида жоиз санлади.

2. Маҳрамлар ўртасида. Уларга бир-бирлари билан кўл бериб, қучоқ очиб ёки ўпид кўришишлари жоиз. Аммо бунинг шарти – фитна хавфи бўлмаслиги, яъни томонларда ҳирс ўйғониш ҳолати эҳтимоли кузатилмасиги лозим. Бу шарт кўпчиликка ғалати туюлса-да, айрим кишиларда, хусусан ўсмирларда бўлиши мумкин бўлган ҳолатдир. Хусусан, бугунгидек ахлоқий танazzул авж олиб, соғ инсоний табиат бузилиб, маҳрамлар ўртасида ҳам никоҳни тарғиб қиласидан ҳолати эҳтимоли кузатилмасиги лозим.

Демак, эркак киши ўз онаси, бувилари, опа-сингиллари, амма-холалари, жиянлари, фарзанд-набиралари каби доимий маҳрамлари билан кўришиши мумкин. Бу маҳрамлар насаб жиҳатидан бўладими ёки эмиқдошлиқ жиҳатиданми, фарқи йўқ. Аммо эркак ўз аёлининг опа-синглиси, жияни, амма-холаси каби вақтинчалик маҳрамлар билан кўришиши мумкин эмас. Аёл киши ҳам ўзининг ота-бобоси, ака-укаси, амаки-тоғаси ва жиянлари каби доимий маҳрамлари билан кўришса жоиз. Аммо эрининг ака-укаси каби вақтинча маҳрамлар билан кўришиши ҳалол эмас.

Маҳрам эркак-аёллар бир-бирлари билан кўришганларида одоб-ахлоққа риоя қилишлари лозим. Кўришганда ўзларида ҳирс ўйғониш хавфини сез-

салар, кўришмасликлари керак. Ўпид кўришганда пешонадан, қўлдан ўпид кўришилади, лабдан ўпиш мумкин эмас, юздан ҳам ўпмаган яхши. Бегоналар олдида кучоқ очиб ёки ўпид кўришмасликлари даркор, чунки бу одобсизлик бўлади ва кишиларнинг кўнгли бузилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, уламолар онадан бошқа маҳрамлар билан қўл бериб кўришиш билан кифояланиши тавсия қилганлар.

3. Эр хотин ўртасида. Шаръий никоҳдан ўтган эр хотинларга бир-бирларининг бутун таналарини кўриш ва ушлаш жоиздир. Бу шаҳват юзасидан бўладими ёки бўлмайдими, фарқи йўқ. Эркак кишининг уйдан чиқаётганда ва уйга келганда ўз аёли билан кучоқ очиб, ўпид кўришиши ўзаро муҳаббатга сабаб бўлади.

ЁШ БОЛА БИЛАН КЎРИШИШ ВА УНИ ЎПИШ

Ёш болалар билан кўришилганда уларни ўпид, эркалаш ҳам Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан, фазилатли амаллардан саналади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ибн Алийни ўпдилар. Ҳузурларида Ақраъ ибн Ҳобис Таймий ҳам ўтирган эди. Акроъ: «Менинг ўнта болам бор, уларнинг бирортасини ҳам ўпмаганман», деди. Шунда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қарадилар да, сўнг: «Ким раҳм қилмаса, унга ҳам раҳм қилинмас!», дедилар». Бошқа бир ривоятда айтилишича, «Аллоҳ қалбингдан раҳматни суғуриб олган бўлса, мен нима ҳам қила олар эдим», деганлар» (Имом Бухорий ривоят қилган).

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қиласи: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам куннинг бир қисмида йўлга чиқдилар. Ул зот менга ҳеч нарса демас, мен ҳам у зотга индамас эдим. Юриб Бану Қайнуқоъ бозорига етиб бордик. Ул зот Фотима нинг уйи олдига ўтирилар. Сўнг: «Болача борми?» дедилар. Уни онаси бир оз тутиб қолди. Менимча, унга сихоб кийгизди ёки уни ювди. Шунда у шиддат билан югуриб келди. Уни қутоқладилар, ўпдилар» («Сихоб» – биздаги камзулага ўхшаш болалар кийими бўлиб, кийим устидан кийгизилади).

Эркак кишининг рағбат уйғотадиган ёшга етмаган қизчалар билан кўришиши, уларни ўпид, эркалаши мумкин экани ҳақида имом Бухорий алоҳида боб очиб, уни «Бирорнинг қизасини ўйнашига қўйиб бериш, уни ўпиш ёки у билан ҳазиллашиб ҳақида» деб номлаган ва унда қуидаги ҳадисни келтирган:

Умму Холид бинти Холид ибн Саъиддан ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига отам билан келдим, эгнимда сариқ кўйлак бор эди, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Санаҳ, санаҳ», дедилар. – Абдуллоҳ ибн Муборак: «Бу («санаҳ» сўзи) ҳабаш тилида «гўзал» деганидир», дейди. – Кейин нубувват муҳрларини ўйнай бошладим, шунда отам мени жеркиб берди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни тек

қўй», дедилар».

Аёл кишининг ҳам балоғатга етмаган ўғил болалар билан кўришиши, уларни ўпиши жоиз. Умму Салама онамиз баъзи тобеинларни болалик даврларида ўпид, бошларини силаганлари ривоятларда келган. Бир маротаба Ҳасан Басрийга кўкрак туттандари ҳам саҳих хабарларда бор.

Имом Бухорий «Ал-Адаб ал-муфрад»да Иброҳим ибн Марзук Сақафийнинг ўз отасидан қилган қуидаги ривоятини келтиради: «Абдуллоҳ ибн Зубайр мени уларга Ҳажжож қандай муомала қилаётганинг хабарини беришим учун онаси Асмо бинт Абу Бакрнинг ҳузурига юборарди. У менинг ҳаққимга дуо қилар ва бошимни силар эди. Ўшандан мен ёш бола эдим».

Имом Нававий шундай ёзади: «Кишининг меҳршафқат, лутф ва қондошлиқ муҳаббати юзасидан ўзининг кичик фарзанди ва инисининг ёноғидан ўпиши, шунингдек, ёноғидан бошқа жойидан – юз-қўзидан, қўли ва пешонасидан ўпиши суннатдир. Бу ҳақда кўплаб ҳадислар келган бўлиб, улар саҳих ва машҳурдир. Бунда бола ўғил бўладими, қиз бўладими, фарқи йўқ. Шу билан бирга, киши ўз дўстининг ёки бошқаларнинг кичик ёшли болаларини ҳам мазкур сабаблар юзасидан ўпиши суннатдир. Аммо шаҳват юзасидан ўпиш ҳаромдир, бунга барча уламолар иттифоқ қилганлар. Бунда ота-она ҳам, бошқа одамлар ҳам баробардир. Балки қондош ва бегона болаларга шаҳват билан қарашиб ҳам ҳаромдир».

ЖУНУБ КИШИ БИЛАН КЎРИШИШ МУМКИНМИ?

Айрим кишиларда жунуб ҳолда бўлиб, ҳали ғусл қилмаган киши билан кўришиш мумкин эмас, деган тушунча бор. Бундай нотўғри фикр дастлабки пайтда айрим саҳоба киромларда ҳам бўлган экан. Бу ҳақда имом Термизий ўз «Жомеъ»ида «Жунуб киши билан кўришиш ҳақида» деган боб очиб, унда қуидаги машҳур воқеъани нақл қилган:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Мадина кўчаларидан бирида йўлиқибдилар. У жунуб экан. «Шунда у зотдан яшириндим», дейди у. Бориб, ғусл қилиби. Кейин келса, у зот: «Қаерда эдинг, эй Абу Ҳурайра?» дебдилар. У: «Жунуб эдим, сиз билан нопок ҳолда ўтиришни хоҳламадим», дебди. Шунда у зот: «Субҳаналлоҳ! Мусулмон нажас бўлмас», дедилар».

Уламолар ушбу ҳадиснинг шарҳида таъкидлайдиларки, Абу Ҳурайра розияллоҳу анху бунда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қўл бериб кўришишдан ўзларини олиб қочган эканлар.

Имом Термизий мазкур ҳадисни келтиргандан сўнг бобга шундай хулоса ясайди: «Кўплаб аҳли илмлар жунуб киши билан кўришишга рухсат берганлар ҳамда жунуб киши ва ҳайзли аёлдан чиқсан тернинг зарари йўқ, деб билганлар».

Ҳасанхон ЯҲЁ.

САЛИБ ЮРИШЛАРИ

Сардор Маҳмуднинг “Ислом тарихи” китоби охирзамон динининг тарихига анча холис ёндошгани ва илмий маълумотларининг ишонарлилиги билан бошқа шу каби асарлардан ажралиб туради. Шарқу Ғарбда машҳур бу китоб Карочи, Ободон, Куала Лумпур, Глазго, Нью-Йорк, Торонто, Мельбурн, Веллингтон, Бомбай, Калкутта, Мадрас, Кейптаун, Найроби, Аккра, Лондон шаҳарларида нашр этилган. Асарни Лондондаги Оксфорд университети босмахонаси 1959 йили чоп этиган Маккей-Чатхам компаниясининг инглизча нашридан Жамолиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод ўзбек тилига ўғиришишган. Қуида мазкур китобнинг салиб юришларига оид қисмини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

ЎРТА ШАРҚ НАСРОНИЙЛАРИ ВА МУСУЛМОНЛАРИ. Арабистон ҳудудидан ташқарига чиқиша араблар икки ҳалқ - Ғарб насронийлари ва Форс зардуштийлари билан жанг қилишга мажбур бўлган эдилар. Кейинроқ шарқий ҳиндлар билан олишувга тўғри келди. Бу ҳалқларнинг биринчи гуруҳи мусулмонлар билан жуда кўп муштаракликка эга эди. Насронийлар Византия империясидан анча нарсаларни қабул қилиб олганликлари сингари араблар ҳам романлар ва юонлар тафаккури меросини ўзлаштиридилар. Шундай қилиб, асрлар давомида бир-бирларига қилич қайраб келганларига қарамасдан, улар ўртасида ўзаро тушуниш учун замин пайдо бўлди. Энди зардуштийларга қарши уруш барҳам топганди; форслар дастлаб араблаштирилиб, сўнгра Исломга итоат этирилдилар. Файриисломий ҳалқларнинг учинчиси бўлган ҳиндлар билан кураш ҳикояси ҳали олдинда. Суриб чиқарилган насронийлар Ғарбда ўз мавқеларини тиклай бошладилар. Ўн биринчи аср охирига келиб улар Испанияда Оролнинг учдан бир қисмини жангу жадаллар билан тортиб олдилар. Бироқ салжуқийлар Кичик Осиёни эгаллаб, мавқеларини тенглаштиришга эришганлари сабабли янги муаммолар келиб чиқди. Қаттиқўл ва ғоят садоқатли мусулмонлар бўлган салжуқийлар насронийларнинг Кичик Осиё орқали ўтадиган йўлини ёпиб, маълум муддатгача уларнинг Фаластингача оқиб келишларни тўхтатиб қўйдилар. Бундай ҳолат насронийларни жиддий ташвишга солди.

РУМ САЛЖУҚИЙЛАРИ ВА ФОТИМИЙЛАР. Мусулмон дунёси Ўртаер денигини ярим ой шаклида ўраб олган эди. Шу ярим ойнинг бир учи Мармар денизига, иккинчи учи Миср соҳилига бориб тақаларди. Натижада ғазабга минган насронийларнинг ўзлари «динсизлар» деб ном берган (айрим жойларда ҳозир ҳам шундай дейишади) мусулмонларга қарши тадбирлар бошлаб юборишларидан бошқа иложлари

қолмади. Ислом Пайғамбари (с.а.в.) бутун дунёга Аллоҳ номидан ўз таълимоти билан мурожаат қилганидан бери беш юз йилга яқин вақт ўтган, Ғарб эса шу давр мобайнида кўплаб мағлубиятларга учраган эди. Энди улар «муқаддас» даргоҳларини тортиб олишга қарор бердиларки, бу жуда яхши баҳона бўлди.

САЛИБ ЮРИШЛАРИНИНГ ТАРАФДОРЛАРИ. Муқаддас зиёратгоҳ устидаги «хавф» кўпларни сергаклантириди. Энг аввал Византия императори норози бўла бошлади. Императорнинг Осиёдаги ерлари кўлдан кетиш арафасида экани, ёвга таслим бўлмас бардошли кишилар эса Онадўлида жойлашиб олганлари уни тез-тез исён кўтариб туришга ундарди. Ниҳоят у Рим папасига мурожаат қилди. Ўша пайтда бу мартабада бўлган насронийлар черковининг ноиби кучли шахс Грегори VII Овруподаги пешқадамлик учун олмон императори билан кураш олиб бораради. Даъватга унинг «лаббай» жавоби ҳам тайёр эди, чунки у бундай тадбир Овруподаги бирча насронийларни ўз байробим остида бирлаштиришга ёрдам бериб, мени шу қитъадаги етакчи кучга айлантирас, деган умидда эди.

Италиядаги давлат-شاҳарлар бўлган Венеция, Генуя ва Пизани Ўрта Шарқ билан катта савдо манфаатлари боғлаб турарди. Улар Шом ёки Фаластин денизиз соҳилларида насронийлар ўрнашиб қолганлари тақдирда ғоят қимматли битимларга эга бўлишларини ўйлаб, «муқаддас иш»га ёрдам бермоқчи бўлдилар. Шарқнинг эртаклардагидек чексиз бойликлари тўғрисида эшитган Оврупонинг кўпгина баҳодир жангчилари ва машҳур кишилари ўз улушларини олиб қолиш ниятида бу тадбирларга қўшилдилар. Улар орасида Исо йўлида курашиб келаётган ҳамда Оврупо кўзига тушган чўп бўлмиш «динсизлар»ни Исонинг душманлари ва энг ашаддий адоватчилар сифатида йўқ қилиб ташлашни хоҳлаётган чинакам мутаассиблар ҳам бор эди.

Ниҳоят салибчилар мусулмонларнинг кўп асрлик ҳукмронликларидан кейин Фарбдаги юксалишни намойиш қилдилар, шу давргача Исломдан норози бўлиб келаётган халқлар у ер-бу ердан кўтарила бошладилар. Ўртаер денгизи, ундаги барча ороллар кўп асрлардан бери мусулмонлар тасарруфида қолиб келаётган эди. Ҳатто Италия ва Фарангистон жанубигача бўлган шимолий минтақа уларнинг мустамлакалари сирасига киради.

ЎРТАЕР ДЕНГИЗИДАГИ ОМАДСИЗЛИКЛАР. Охир-оқибат ўн биринчи асрга келиб мусулмонларнинг ишлари юришмай қолди. Италиядаги Пиза шаҳар - давлатининг зарбаси билан Сардиниянинг Ислом тарафдорларидан ажратиб олиниши шундан дарак берди. Папа бу воқеани содир қилишга ошкора ижозатини дариф тутмаганидан ташқари унинг амалга ошуви учун саъй-ҳаракатларини ҳам аямади. Италиядаги Кастилия ва Арагон қиролликлари арабларга қарши иттифоқ тузишиб, «муқаддас уруш»га дадил киришдилар. Руҳонийлар ҳамма жойда халқни оёқка турғаза бошлашди. Улар, энди мусулмонлар батамом ҳолдан тойдилар, деб ўйлаб, бу тўғрида тобора эҳтирос ва ишонч билан гапирадиган бўлиб қолишли. Ҳар бир минбардан туриб: «Муқаддас даргоҳ қутқарилиши керак!» дея бақириб-чақиришга ўтдилар. Шу аснода Константинополь императори Комненус мурожаат қилган Папа вафот этиб, ўрнига Грегори VII сингари қатъиятли киши бўлган Урбан II келди. У Византия императорининг таклифини дастлаб (1095 йилда) Писеньда ва ўша йили сал ўтиб Клермонтда икки марта черковларнинг Буюк йиғини мажлисида муҳокама қилдирди. Папа у ерда бутун насронийлар дунёсини жунбушга келтирган катта нутқ сўзлади. Унинг даъвати тезда Оврупонинг барча бурчакларида қўллаб-қувватланди. Ўзи фаранг бўлгани учунми, Папанинг чақириғи Фарангистонда айниқса кучли акс-садо берди. Бу ишга дайди роҳиблар ҳам қўшилишиб, юрган йўллари бўйлаб халқ қалбига ғулғула солишини одат қилдилар. Питер де-Хермит салиб юришини бошлаш учун ташвиқот олиб борган роҳиблардан бири бўлди.

БИРИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ (1096-1099 йиллар). Тез орада Фарангистонда жуда катта қўшин тўпланди. Насронийларнинг бу ҳарбий кучларига буиллоник Годфрей, унинг укаси Болдвин, тулузалик граф Раймонд ҳамда Папанинг Пуядан келган вакили Адхемар бошчилик қилдилар. Улар бўлак-бўлак бўлиб, Константинополь орқали Кичик Осиёга кириб боришга қарор қилдилар. Чунки Питер де-Хермит ва унинг дайди роҳиб укаси Уолтер де-Пеннилес кишиларни шу қадар кучли ҳаяжонга солган эдиларки, бунинг натижасида насроний отликлари аллақачон йўлга чиқиб, учраган ҳамма нарсани яксон этиб бораётган эдилар. Улар Кичик Осиёдаги салжуқийларга тегишли бўлган Румни вайрон қилишга ҳам улгурдилар. Рум салжуқийлари шу даврда қўплаб подшоҳликларга парчаланиб кетганларидан бир жону бир тан бўлиб

карши туролмасликлари ҳам насронийларга жуда қўл келди. Салибчилар учун бу жуда қулай вазият эди. Улар Дорилаюм яқинида Кичик Осиёдаги салжуқийлар подшоҳлигининг бош ҳокими Қилич Султонни мағлубиятга учратиб, унинг пойтахти Никаяни босиб олдилар. Салжуқийлар Онодўли томон суриб чиқарган юриш қатнашчилари соҳилдаги ерларни эгалладилар.

БОЛДВИН ВА БОХЕМУНД. Салибчилар Кичик Осиёнинг ғарбий қирғоги бўйлаб жанубга йўл оларканлар, шарқий ва жанубий соҳилларни эгаллаб турган арман қиролликлариғача етиб бордилар. Аксарияти насроний эътиқодида бўлган арманлар юриш қатнашчиларини яхши қарши олиб, ўзлари ҳам уларга кўшилиб кетдилар. Шундай қилиб, биринчи қўшин саркардаси граф Болдвин бутун Арманистонга қирол бўлди. Салибчиларнинг бошқа қўшинлари яна бир салжуқий шаҳзода - Ёғий Султон ҳокимлик қилаётган Антиох томон бостириб боравердилар. Бу шаҳар қаттиқ қаршилик кўрсатиб, саккиз ойлик қамалга дош бергач, ёрдам сўраб аббосийлар халифасига ва бошқа подшоҳликларга мурожаат қилди. Яхлит ҳокимият парчаланиб кетгани оқибатида ҳеч ким мададга етиб келмади. Ҳалаб ҳокими амир Ризвон юборган ёрдам эса жуда кечикди. Ёғий Султоннинг арман миллатига мансуб бир лашкарбошиси хиёнат қилиб, салибчилар томонга ўтаркан, ўзига топширилган дарвозани уларга очиб берди. Мададга илҳақ бўлиб қамалда ётган пойтахт шу тариқа таслим бўлди. Салиб юриши иштирокчилари Мўсулнинг Қайбуқа исмли бошқа бир ҳукмдорини ҳам тор-мор қилганларини кўрган мусулмон амирликлари маслақдошларига умуман ёрдам қўлини чўзмай қўйдилар. Фотимиylар, салжуқийлар, турклар ва бошқалар қиёфасида қўплаб турли - туман ҳокимларни кўравериб тўйиб кетган шомликларнинг қаршилик қилишга умуман юраклари бетламади. Шу туфайли Шом мамлакатининг шимолий қисмида насроний князлиги вужудга келиб, кейинроқ у граф Бохемунд қироллигига айланди. Қирол унинг пойтахти Антиоҳда доимийга ўрнашиб қолди.

РАЙМОНД ВА ГОТФРЕЙ. Граф Раймонд шахсан ўзи эгалик қилиши учун анчагина ерни тортиб олиши кўнглига туккан экан. У Мааррак ан-Нуъмон шаҳрини забт этиб, унинг юз минг кишилик мусулмон аҳолисидан шафқатсизларча ўч олди. Бу катта ҳақоратлар учун мусулмонлар ўзларини айблашди. Чунки ҳамма жойда пароканда ҳолда бўлганлари сабабли улар ҳеч нарса қиломадилар. Голдфрей жанубга йўл олиб, Раймонддан иложи борича тезроқ ўзига қўшилиши сўради. Ниҳоят 1099 йил 7 июнда салиб юриши қатнашчиларининг қўшинлари насронийларнинг муқаддас шахри ҳисобланган Қуддус девори олдига келиб тўхтадилар. Беш ҳафта давом этган қамалдан кейин 1099 йил 15 июнда улар шаҳарга бостириб кириб, ғазаб устида у ердаги кўп мусулмонларни қиличдан ўтказдилар. Шундан сўнг Годфрей Фаластииннинг қолган қисмини ҳам забт этиш мақсадида жанубга кў-

шин юборди. Уларга қарши Яшкелон яқинида жанг қилган фотимийлар қүшини мағлубиятга учради. Шу билан қаршилик кўрсатиш тұхтатилиб, буиллонлик Готфрей Куддус қироли деб жар солинди. Соҳил яқинида жойлашган шаҳарларни Венеция ва Генуя сингари италян шаҳар-давлатларининг дентиз кучлари ўққа тутдилар. Бу давлатлар савдо кемалари кучини соҳил бўйлаб жойлашган ерларни босиб олиш учун бирлаштириб, ёрдамга юбориб, бунинг эвазига қатъий битимга эга бўлдилар. Энди Мармар дengизидан тортиб Фаластин жанубигача бўлган қирғоқ миңтақаси салиб юришини амалга оширганлар қўлида эди. Фақат бир раҳнамо - граф Раймондгина ўз қироллигига эга эмасди У ҳам тез орада соҳилда жойлашган муҳим шаҳар Триполини босиб олиб, унинг бутун теварак-атрофи билан қўшиб ўз қироллигига айлантириди. Шундай қилиб, барча бошлиқлар мерос қолдира оладиган ер-мулкка эга бўлиб олганлари билан биринчи салиб юриши якун топди..

САЛИБ ЮРИШЛАРИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ. Мусулмонлардан жанг билан тортиб олинган соҳил бўйлаб ўрнашган салибчиларининг ҳаммаси дengизга қаттиқ ишонч боғладилар, чунки Ўртаер дengизи уларни Farb билан боғловчи йўл эди. Ислом Шарқи инқизор даврини бошдан кечираётганди. Farb билан давом этган кўп асрлик урушларда Шарқ беш юз йил ғолибликни қўлдан бермади. Farbnинг Шарқни яна ҳам нарироққа сурib чиқариш нияти бормиди? Бутун Оврупо албатта шуни кутарди, лекин бундай бўлиб чиқмади. Аксинча, тараққийпарвар Шарқ билан яқиндан танишган салибчилар унинг санъати, маданиятига, турмуш тарзига қойил қолиб, барча шарқона нарсаларни зўр иштиёқ билан ўрганишга ва қабул қилишга киришдилар. Ўзаро ажойиб ижтимоий муносабатлар юзага келди. Шарқликларнинг гёй заиф кишилар бўлишлари тўғрисидаги эртакларни кўп эшитган насронийлар араб маданияти уларнига қараганда анча юксак эканини ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилдилар. Улар Мұхаммад алайҳиссалом умматларининг ҳақиқатгўйлиги, ҳалоллиги ва художўйлигига, Исони ҳам Аллоҳ таолонинг Пайғамбари деб билишларига амин бўлдилар. Овруполикларни ваҳшийлар деб ҳисоблаб келган мусулмонлар эса насроний баҳодирлар муайян виждоний қоидаларга амал қилиб, ҳалол ҳамда моҳирона жанг қила билишларини, шунингдек, мусулмонларга хос бўлиб келган айrim нарсаларни янада такомиллаштиришга қодир эканликларни кўрдилар. Шу тахлитда дўстлик ва савдо алоқалари боғланди. Насронийлар арабча услубдаги уйлар қуришга, шарқона таомларга ўрганиб, шарқ мусиқасига меҳр қўя бошладилар, арабларга ўхшаб, кейинчалик эса улар билан биргалиқда ов қилишдан завқланишга ва кўнгил ёзишга одатлана бордилар. Эҳтиёж туғилганда, улар араб қўшинларидан ёрдам сўрардилар. Бундай ирқий ва маданий уйғунлашув яхши самара бериб, Шарқнинг кўпгина ихтиrolари, жумладан, ўқ-дори (борут), қанд, қибланома (компас)

ва ҳоказо учун Оврупога йўл очилди. Тараққиёт анчагача шу йўсинда давом этди.

ЗАНЖИЙЛАР (1127-1174 йиллар). **ИМОМИДДИН ЗАНЖИЙ** (1127-1146 йиллар). Мусулмон дунёси илгаригидек Қашғардан Кўртубагача бўлган узлуксиз бепоён кенгликинг англаатмасди, шуни назарда туттан ҳолда ҳам бу олам ўз орасида бегоналар мавжудлигини борган сари кучлироқ ҳис қила борди, натижада бундай ҳолга қаршилик кўрсатиш фикри келиб чиқди. Аста-секин насронийларни мусулмон Яқин Шарқидан ҳайдаб чиқариш мақсади қарор топди. Бу ғоя туғилиши билан уни амалга ошириш учун курашчилар ҳам топила қолди. Ана шундай курашчи занжийлар деб аталган мусулмон ҳокимлари суполасидан чиқди. Салжуқийлар императори Маликшоҳнинг ишончли вакили бўлган Имомиддин Занжий Farbga жўнаб, аста-секин Мўсул билан Ҳалаб оралиғидаги ерларни эгаллади. Бу кучли инсон, кўркув билмас жангчи кўп ўтмай насронийлар устига хужум қилиб, кейинги даврда улар ихтиёрига ўтиб қолган ар-Рұҳ шаҳрини қамал қилди. Шом билан Бағдод ўртасидаги карvon йўлида жойлашган шаҳар тўрт ҳафталик қуршовдан кейин итоатга мажбур бўлди.

ИККИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ (1147-1149 йиллар). Оврупода салиб юриши руҳи ҳали тирик эди. Ар-Рұҳ шаҳри таслим бўлгани тўғрисидаги хабар Папа Евгениус III кулогига етгач, у авлиё Бернард Клейрвауқдан навбатдаги салиб юришига даъват билан чиқиши сўрайди. Бу чақириққа тезда жавоб берган олмон императори Конрад Ш ва Фарангистон қироли Луис VII (Луи VII) 1147 йили иккинчи салиб юришини ташкил қилдилар. Бу саркардаларнинг қўшинлари ҳар қайсиси ўз йўли билан ҳали ҳам мусулмонларга қарам бўлган Дамашқ томон юра бошладилар. Юриш иштирокчилари шаҳарни қуршовга олиб турган бўлсалар ҳам, муваффақият қозониш ўрнига мағлубиятга учрадилар. Фақат мусулмонларга Эгей дengизида хужум қилган Сицилия қироли Роберт де Нормангина бу тадбирларда ғолиб чиқиб, мусулмонларни оролдан қувишга эриша олди.

НУРИДДИН ЗАНЖИЙ (1146-1174 йиллар). Исломга берилган бу кучли зарба кенг жамоатчилик ғазабини қўзғади. Занжийлар авлодидан янги жангчи етишиб чиқди. Бу Имомиддин Занжийнинг истеъоддли ўғли Нуриддин эди. У 1146 йилда отаси ўрнига таҳтга ўтириб, дарҳол салибчиларга қарши урушга отланди. Пойтахтини Мўсулдан Ҳалабга кўчиргани унинг биринчи қилган иши бўлди. Кенг жанг майдонини ҳосил қилиш учун у Дамашқни суст мусулмон ҳокимлари қўлидан олиб, салибчиларга қарши хужумга ўтди. Отаси фақат ар-Рұҳ шаҳрини эгаллаган бўлса, Нуриддин уни бутун теварак-атрофи билан бирга ўз ихтиёрига ўтказиб, собиқ насроний ҳоким граф Жосилин Иккинчини қамоққа ташлади. Шундан кейин Антиох шаҳри ҳокими Бохемунд II устига бостириб бориб, ғолиб чиққач, уни ҳам ҳисбсга олди. Катта хун тўламагунларича уларни қўйиб юбормади.

ШИРКУХ (1164 йил). Күп ўтмай, салибчилар қалбига даҳшат соладиган бўлиб қолган Нуриддин Ширкух исмли истеъоддли додхосини Мисрнинг сўнгги фотимиий халифаси ҳузурига элчи қилиб юборди. Ўта қобилиятили инсон бўлган Ширкух халифа саройидага ортирган кўплаб тарафдорларининг вазирликни қабул қилиш тўғрисидаги таклифига кўнди. Унинг Салоҳиддин исмли невараси ҳам ажойиб фазилатларини намойиш қилди. Ширкух лавозимга тайинланганидан кейин узоқ яшамай вафот қилгач, халифа Салоҳиддинни ўзига вазир қилиб олди. Шу даврдан яна мусулмонларга омад кулиб боқа бошлади. Зеро, бу шахс Ислом учун буюк курашчи, машхур Султон Салоҳиддин Айюбий бўлиб етишди.

САЛОҲИДДИН АЙЮБИЙ (1169-1193 йиллар). Салоҳиддин занжийлар даврида Шомдаги Баалбек ҳарбий маҳкамаси бошлиғи бўлган Айюб, яъни Ширкух укасининг ўғли эди. Суннийларга мансуб Салоҳиддин яхши таълим кўрди, унинг Исломга меҳри жуда юксак эди. Қудратли вазир бўлиб етишгач, салиб юриштарига чек қўйиш учун қўлидан келган барча ишларни қилди. Бунинг учун давлатга содик қудратли қўшин зарур эди. Амалда Миср ҳукмдори бўлган Салоҳиддин подшоҳликни орзу қила бошлади. У 1174 йили Нуриддин Занжий вафоти муносабати билан ана шундай имконият юзага келганидан фойдаланиб, Мисрни мустақил деб эълон қилди. Занжийлар унга қарши катта куч ташладилар. Қурун Ҳамоҳам атрофида Салоҳиддин уларни тор-мор келтириб, Шомни ўз ерларига қўшиб олди. Сўнгра укаси Туроншоҳни қўшин билан Ҳижозга юбориб, 1175 йилда бу вилоятни ҳам забт этгач, юришини давом қилдириб, Яманни қўлга киритди. Шундан кейин Салоҳиддин Бағдоддаги аббосий халифадан ўзининг Миср султони сифатида эътироф этилишини талаб қилди. Халифа бунга мануният билан розилик берганининг сабаби шунда эдики, натижада ҳатто шиаларга нисбатан ҳам кескин ҳаракатлар қилиш тарафдорлари ҳисобланмиш фотимиийлар ҳукмронлиги барҳам топган бўларди. Шундай қилиб Салоҳиддин бирданига Миср, Ҳижоз, Яман ва Шом султонлигига мусассар бўлди.

ЁЛЛАНГАН ҚОТИЛЛАР. Насронийлар қўрқиб қолишиди: кўзга кўринган лашкарбоши етакчилигига уларга қарши янги куч оёққа тураётган эди. Улар вужудга келган шароитдан чиқиб кетиш йўллари устида бosh қотира бошладилар. Кимdir қотил ёллашни таклиф қилди. «Чиндан ҳам Салоҳиддинни ўлдиртирса бўлмасмикин? Бунга кимdir моддий жиҳатдан рағбатлантирилса бас, қолганини Шайхул-Жабал ўз зиммасига олади». Ана шу режалар натижаси натижаси ўлароқ олдиндан мукофотларини олиб қўйган икки қотил Салоҳиддин томон жимгина йўл олиб, унга ҳужум қилишди. Лекин иқболи бор экан, зарбаларга чап бериб омон қолди, ёлланган кишилар эса қўлга тушдилар. Ҳужум қилган шубҳали мусулмонлар исмоилийлар жамоасидан экани султонни жуда

дарғазаб қилди. У Шайхул-Жабалнинг адабини бериб қўйиш мақсадида Рашидуддин Синанга (Шайхул-Жабалга) қарши қўшин юбориб, унинг истехқоми ва қалъасининг кулини кўкка совурди. Бундан қўрқиб юраги ёрилаётган Шайх сулҳ сўради. Салоҳиддин бошқа ҳеч қачон қарши қўл кўтармаслик ваъдаси учун унга сулҳ кафолати берадиган бўлди. Шартга кўнган Шайх сўзига амал қилди.

САЛОҲИДДИННИНГ САЛИБЧИЛАРГА ҚАРШИ ҲУЖУМИ. Шундан кейин насронийлар билан шуғулланган Салоҳиддин аввалига Тибермасга ҳужум ўюстериб, 1187 йил 1 июлда уни ишғол қилди. Бунга жавобан насронийлар катта қўшин билан ҳужумга ўтдилар. 4 июлда Хиттин яқинида бўлиб ўтган олишувда насронийлар 20 минг жангчи билан қатнашган бўлса, Салоҳиддинда улар сони анча кўп эди. У рақиблари устига шундай важоҳат билан ёпирилдики, натижада салибчилар тўда-тўда бўлиб, қочиб қолдилар. Султон Қуддуснинг қўлга тушган қироли Гай Лусайнанскийга ҳақиқий қиролларга хос илтифот кўрсатди. Бироқ чатиллонлик Режинальдга нисбатан насроний зодагонларидан чиққан хоин сифатида жуда қаттиқ муносабатда бўлди. Сабаби Режинальд Салоҳиддинга берган сўзи устидан чиқмасдан, мусулмонлар билан ёмон муомала қилар, зиёратчилар карвонларини талаб, айбиззиз ва бечора кишиларга зулм ўtkазар эди. Салоҳиддин шахсан ўзи унинг бошини танасидан жудо қилишга берган ваъдасини бажарди. У Қуддусга ҳужум қилиб, юз йилдан бери насронийлар тасарруфидан бўлиб келаётган бу шаҳарни ҳам босиб олди. Готфрей Буиллондан фарқли равишда у ҳеч кимни қатл эттирамади. Шундан кейин Қуддус қироллигининг насронийларга қарашли Антиох, Триполи ва Тир шаҳарларидан бошқа қисмларини ҳам ўзиники қилиб олди.

УЧИНЧИ САЛИБ ЮРИШИ (1189-1192 йиллар). Қуддуснинг қўлдан кетгани тўғрисидаги хабар бутун Оврупони ҳаракатга келтириди. Қитъадаги барча қироллар насронийлик шарафи учун курашиш ниятида оёққа қалқдилар. Уларга қудратли қироллар учлиги бош бўлди. Англия қироли Ричард – Шерюрак, олмон императори Фредерик Барбаросса ва фаранг қироли Филипп Иккинчи шу учликни ташкил қилди. Фредерик қуруқлиқдан, бошқалар эса денгиз орқали олға интилдилар. Куч-ғайратга тўлиб-тошган бўлса-да, Фредерик Шомгача етиб боролмай, Кичик Осиёдаги дарё кечувида сувга оқиб ҳалок бўлди. Ричард I мусулмонлардан Қибрисни тортиб олгач, тўхтаб қолди. Кейинчалик мазкур оролни у Қуддуснинг таҳтдан ағдарилиган қироли Гай Лусайнанскийга сотиб юборди. Шунинг учун Филипп II биринчи бўлиб етиб келиб, ўз истиқболига чиққан қирол Гайга кўшилди. Улар биргалишиб Фаластиннинг қуий қисмida мусулмонларга тегишли бандаргоҳ шаҳар Аккрани қамал қилдилар.

(Давоми бор)

ИСЛОМДА ФАРЗАНД

ТАРБИЯСИ

БОЛА БОШИДАН...

Ота-она болага ҳамма вақт дүқ-пўписа қилинавермайди, чунки койиш эшиши, хунук ишларни қилиш унга енгил туюлиб қолади, қалбидан гапнинг таъсири тушиб кетади. Ота боласи билан бирга бўладиган сўзлашиш ҳайбатини сақласин ва боласини доим эмас, балки баъзи вақтларда койиб турсин. Она эса уни отангга айтаман, деб кўркитсин, уни ёмонликлардан шу билан қайтарсин.

Уни кундузи ухлашдан ман қилсан, чунки бу дангасалик кептиради. Кечаси ухлашдан эса ман қилинмайди, лекин юмшоқ тўшакларда ётқизмасин. Шунда унинг аъзолари мустаҳкам бўлади, бадани семириб кетмайди ва ўзини овқатдан тийишига муҳтоҷ бўлмайди. Ётишда, кийишда дағалроқ нарсаларга одатлантирун. Яна гўдакни яширинча қиласиган ҳар бир ишидан ман этиш лозим. Чунки бола бир ишни яшириб қиласиган бўлса, албатта уни ёмон иш, деб эътиқод қиласи. Шундай пайтда ман қилинса, ёмон ишни тарқ этади. Кундузи баъзан дангасалик ғолиб келмаслиги учун юриш, ҳаракатланиш, жисмоний тарбия қилиш одатлантирилади. Баданини очиб юбормаслик, тез юрмасликка ўргатилади. Қўлини буткул ташлаб ҳам юрмайди, кўкрагига қўйиб олади. Тенгдошларига ота-онаси эга нарсалар ё ейдиган, ё киядиган нарсалар ёхуд лавҳи ва сиёҳдонлари билан фахрланишдан қайтирилади. Балки камтарлик ва атрофидаги ҳар бир кишини хурмат қилиш, улар билан гаплашганда мулойим бўлиш одат қилдирилади. Бойларнинг болаларидан унга чиройли бўлиб кўринган нарсаларни олиш ман қилинади. Балки унга буюклик олишда эмас, беришда экани уқтирилади. Албатта олиш пасткашлик ва хасисликир, гарчи камбағалнинг болалари олса ҳам. Таъма қилиш ва олиш пасткашлик, хорлик экани ҳамда бу итнинг одати экани уқтирилади. Чунки ит бир луқмани кутиб, унга таъма қилиб думини ликиллатиб туради.

Яна болаларга тилла-кумушни яхши кўриш, уларни орзу қилиш ёмон кўрсатилади. Улар тилла-кумушдан илон-чаёндан кўра кўпроқ эҳтиёт бўлишга чақирилади. Чунки тилла-кумушни яхши кўриш, уларни орзу қилиш офати болаларга заҳарларнинг офати-

дан ҳам заарлери оқидир. Ҳатто катталарга ҳам шундайдайдир.

Яна ўтирган жойида туфламаслик, бурун қоқмаслик, бошқаларнинг олдида эснамаслик, бирорвга орқа ўгириб ўтирамаслик, бир оёғини иккинчисига чалиштириб ўтирамаслик, кафтини жағи тагига қўймаслик, билаги билан бошини сужмасликка одатлантириш лозим. Чунки булар дангасалик белгисидир. Унга қайҳолатда ўтириш ўргатилади, кўп гапириш беҳаёликка далолат қилишини, у пасткашлар фарзандларининг иши экани билдириб қўйилади.

Яна унга хоҳ рост, хоҳ ёлғон бўлсин, бирданига қасам ичиш ҳам ман этилади, сабаби у қасам ичишга кичкиналигидан одатланиб қолмасин. Олдин гап бошлашдан қайтирилади. Фақат жавоб қайтиришга ёки саволга яраша гапиришга одатлантирилади. Ўзидан катта киши гапирган пайтда эътибор билан тинглаш,



ўзидан юқори киши учун ўрнидан туриш, унга жойни бериш, унинг олдида уялишга ўргатилади. Беҳуда ва хунук сўзларни айтиш, лаънатлаш, сўкиш, тилларида доим хунук сўзлар бўладиган болаларга қўшилишдан қайтарилади. Чунки бу одатлар ёмон дўстлардан шубҳасиз унга ўтади. Болаларга одоб беришнинг асли ҳам уни ёмон дўстлардан сақлашдир.

Яна муаллими урган вақтда овозини кўтариб бақирмаслиги лозим. Калтак еганида бир кишидан ёрдам сўрамайди. Балки сабр қиласди. Ана шу ҳолат эркак ва ботирларнинг одатларидан, деб эслатиб турилади. Кўп бақириш эса қулларнинг ва аёлларнинг одатидир, дейилади.

Унга мактабдан қайтганидан сўнг ҳордиқ чиқариш учун чарчайдиган даражада эмас, балки чиройли ҳолда ўйнашга рухсат берилиши лозим. Чунки ўйиндан ман қилиш ва доимий ўқишга мажбурлаш унинг қалбини ўлдириб кўяди, заковатини йўқ қиласди, умрини заҳарлайди. Кейин бола ундан буткул қутулиш чорасини ахтариб қолади.

Ота-онасига, муаллимига, одоб ўргатувчига, ўзидан катта ёшдаги кишиларга, хоҳ қариндош бўлсин, хоҳ ёт бўлсин, итоат қилишни, уларга эҳтиром ва таъзим кўзи билан қарашни, олдиларида ўйнашин тарк қилишни ўргатиш лозим. Оқ-корани ажратиш ёшига етганда намозни ва таҳоратни тарк қилишига йўл қўймаслик лозим. Рамазон ойининг баъзи кунларида рўза тутишга буюриш, ипак либослардан ва тилладан узоқ қилиш, шариатдан унга керакли ҳар бир нарсани ўргатиш, ўғрилик, ҳаром ейиш, хиёнат, ёлғончилик, фаҳш ва болаларга қизиқ туюлган ҳар бир ёмон ишлардан кўрқитиш лозим. Агар унинг улғайиши мана шундай тарзда бўлса, балоғат ёшига яқинлашганида бу ишларнинг сирини билишга қодир бўлади.

Унга таомлар бир дорига ўхшайди, улар инсонларнинг Аллоҳ азза ва жаллага тоат қилишга қувватли бўлишида ёрдамчи, холос, деб айтиб турилади. Яна дунёнинг асли йўқ, зеро у доимий эмас, ўлим унинг неъматларини тўхтатади ва дунё доимий қароргоҳ эмас, балки ўткинчи диёрdir, охират эса ўткинчи диёр эмас, балки доимий қароргоҳdir, ўлим ҳар бир соатда кутилади, ақлли ва доно киши охират учун дунёда тайёргарлик кўрган кишидир, ҳатто унинг Аллоҳ таоло ҳузурида даражаси улуғ ва жаннатдаги неъматлари кўп бўлади, деб таъкидланади.

Боланинг улғайиши яхши бўлса, балоғатга етган вақтда бу сўзлар унга таъсир қилувчи, фойдали, қалбидан гўё тошга нақш ўrnashgандай мустаҳкам жой олади. Агар боланинг улғайиши бунинг акси бўлиб, у ўйин, ёмонлик, беҳаёлик, таом ва либос очкўзлиги, зийнат, фаҳрланишга (мақтанчоқликка) ўрганиб қолса, унинг қалби ҳақиқатни қабул қилишдан деворнинг тупроқдан узоқлигига ўхшаш узоқлашиб кетади. Ишларнинг энг муҳими тарбияга эътибор беришдир, чунки бола фитратан яхшилик ва ёмонликларни баравар қабул қилувчи этиб яратилгандир. Албатта ота-оналари уни икки тарафнинг бирига мойил қили-

шади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ҳар бир гўдак фитратда туғилади. Ота-онаси уни ё яхудий, ё насоро, ё мажусий қилиб қўйишади» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий айтадилар: «Уч ёшлигимда кечаси турар эдим ва тогам Муҳаммад ибн Сиворнинг намозларига қараб турардим. Бир куни менга «Сени яратган Аллоҳни эслайсанми?» дедилар. Мен: «Уни қандай эслайман?» дедим. Шунда у киши: «Кўрпангга ётаётган вақтингда тилингни қимирлатмасдан уч марта қалбинг билан «Аллоҳ мен билан бирга, Аллоҳ менга қараб турувчи, Аллоҳ мени кўриб турувчи», дегин», дедилар. Ана шуни бир неча кун айтдим, сўнгра у кишига буни изҳор қилдим. Менга «Яна ҳар кеча етти мартадан айт», дедилар. Яна бир неча кун айтдим. Сўнгра у кишига билдиридим. Менга «Яна ҳар кеча ўн бир мартадан айт», дедилар. Айтдим, ана шунда қалбимга унинг ҳаловати тушди. Шундан бир йил ўтгандан кейин тогам яна менга «Сенга ўргатган нарсамни ёдинга тут ва то қабрга киргунингча доим уни айтиб юр, чунки у сенга дунёда ҳам, охиратда ҳам фойда беради», дедилар. Шуни бир неча йил давомида айтиб юрдим. Ботинимда ҳам унинг ҳаловатини топдим. Сўнг тогам менга бир куни «Эй Саҳл, қайси бир инсон билан Аллоҳ бирга бўлса, унга қараб турувчи ва уни кўриб турувчи бўлса, у киши Аллоҳга осийлик қила оладими? Сен ҳам Аллоҳга осий бўлишдан сақлан», дедилар. Мен ёлғиз юрар эдим, мени мактабга юборишиди. Мен: «Мақсадларим (яъни, Аллоҳга яқинлашишга интилиш) тарқалиб кетишидан кўрқаман», деб айтдим. Лекин улар муаллим билан мен бир соатга бориб, таълим олгач, қайтиб келишимга шартлашиб олишиди. Мактабга бордим ва Қуръонни таълим ола бошладим. Уни олти ётти ёшимда ёдлаб бўлдим. Ҳар куни рўза тутардим. Таомим эса ўн икки йил ичида арпа нони бўлди. Ўн уч ёшлигимда бир масала чиқиб қолди. Оиламдан Басрага ана шу масалани сўраш учун юборишларини сўрадим. Басрага бордим ва уламолардан сўрадим, бирон киши саволимга жавоб бера олмади. Басрадан Ибодонга бир кишининг олдига бордим. У кишини Абу Хубайб Ҳамза ибн Абий Абдуллоҳ ал-Ибодоний, дейишарди. У кишидан масалани сўрадим, менга жавоб бердилар. Мен олдиларида бир муддат қолиб, илмларидан фойдаландим ва одобларини ўргандим. Сўнгра Тустарга қайтиб келдим. Овқатим учун бир дирҳамга арпанинг ўзини сотиб олиш билан кифояландим. Шуни янчидан қилиб беришарди. Бир увқиясини ҳар кеча саҳарлик пайтида тузсиз ва нонхурушсиз ердим. Бир дирҳам бир йилга етарди. Сўнгра уч кеча кетма-кет оч юриб, кейин едим. Сўнгра беш кеча, сўнгра етти кеча, сўнгра йигирма беш кеча оч юрдим. Мана шу ҳолда йигирма йил ўтди. Сўнг ер юзига бир неча йилга саёҳатга чиқдим. Кейин Тустарга қайтиб келдим. Кечанинг ҳаммасида Аллоҳ хоҳлаганича қойим бўлар эдим». Аҳмад айтдилар: «Аллоҳга йўлиқунларича у кишининг туз еганларини кўрмадим».

“Иҳёу улумид-дин”дан таржима.

ДУНЁНИ МАҲВ ЭТГАН КОРРУПЦИЯ

КОРРУПЦИЯ НИМА? Ҳозирга келиб бутун дунёда коррупция чуқур илдиз отиб кетди. Бир қанча давлатларда коррупцияга қарши олиб борилётган кенг кўламли кураш ҳам айтарли самараасини бермаятти. Айниқса, бу аср иллатининг мусулмон жамиятида ҳам урчиб бораётгани таассуфлидир. Коррупция ўзи нима дегани ва унга қарши қай йўллар билан кураш олиб бориш лозим? Ушбу мақоламиз ана шу саволларга жавоб излаш мақсадида ёзилди.

Оммавий ахборот воситаларида “коррупция” сўзини кўпинча “порахўрлик” деб изоҳлашга одатланилган бўлса-да, бу атаманинг маъноси анча кенроқ. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”нинг 5-жилдида бу атамага қўидагича изоҳ берилган: «Коррупция» лотинча сўз бўлиб, мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган хуқуқларни шахсий бойиш мақсадида бевосита сунистеъмол қилишидан иборат жиноят. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам “коррупция” дейилади. Сайланадиган лавозимларга номзодларнинг ўз сайлов кампаниясини ўтказиш харажатларини кўтариш ҳам коррупция кўринишларидан биридир (сайланган киши турли имтиёзлар, хизматлар кўрсатиб, кейин “ӯз қарзини” қайтаради”).

Коррупция ҳақида жуда кўп гапирилади, у билан доим кураш олиб борилади, бу йўлда қонунлар қабул қилинади. Бироқ буларнинг барига қарамай, у олдин қандай яшаб келган бўлса, ҳозир ҳам шу тарзда мавжудdir. Коррупция инсоният мубтало бўлган давоси йўқ касаллиқдир. Ундан воз кечиш осон кечмайди, унинг илдизларини батамом қуритишнинг иложи йўқ. Чунки бу ҳолатда инсонни ҳалокатга элтувчи нафс ва шайтон хуружи асосий хизматни бажаради.

Коррупция кенг тарқалган мамлакатлар харитасига назар ташлар эканимиз, коррупция илдиз отган жойлар орасида мусулмон мамлакатлари ҳам борлигини кўрамиз. Коррупция кам урчиган жойлар эса, Европа, АҚШ ва Канада эканини кўриб, ҳайрон бўлиб

ҳам қўямиз. Бу гуноҳ учун Аллоҳ таоло жазо беражагини яхши билган мусулмонлар нега бу иллат домига фарқ бўлганлар?! Файридинлар кўп яшайдиган мамлакатлар эса, бу иллат устидан қандай ғалаба қозонишидийкин? Ва ниҳоят ижтимоий зулм ҳисобланган коррупцияга Исломнинг муносабати қандай?

Халқаро Ислом уламолари Кенгашининг Бosh котиби Али Қорадогий ўзининг жума маърузаларидан бирида маъмурий коррупция муаммосига тўхталиб ўтди. Олим ўз маърузасида мазкур муаммони коррупциянинг энг хавфли тури эканини эслатиб ўтди. Коррупциянинг ушбу тури бу иллатнинг турлари ичida энг хавфлиси, хусусан молиявий коррупциядан ҳам хавфли эканини, чунки маъмурий коррупция бошқа коррупциянинг асоси, сабаби ва асли эканига урғу берди.

Масъул шахснинг етарли малакага эга бўлмаган одамни маълум бир мансабга тайин қилиши ҳам маъмурий коррупциянинг бир кўринишидир. Мазкур одам бошқа соҳаларда етарли салоҳияти эга бўлса ҳам, мўлжалланаётган мансабда ўзини кўрсата олмаслиги аниқ. Яъни, ҳар бир касбнинг талаб қилган ўзига хос хусусиятлари бўлади. Қуръони каримда ҳам бунга ишоралар бор. Шу ўринда озиқ-овқат махсулотларини тақсим қилишга ҳамда давлатнинг кирим-чиқим харажатларига масъул бўлган хазинабонлик лавозимига ўз номзодини таклиф қилган Юсуф алайҳиссалом воқеасини олиб кўрайлик. Юсуф алайҳиссалом шунга ўхшаш таклифни олиб чиқиши билан бирга иккита муҳим шартни ўртага ташлади, яъни бу маъсалиятни бўйнига олаётган инсонда бўлиши керак бўлган сифатларни зикр қиласди.

Биринчи шарт: бундай одам ўз соҳасининг билимдени бўлиши керак.

Иккинчидан – у ҳалол-омонатдор бўлиши, Аллоҳ таолодан кўрқадиган – тақводор бўлиши керак. Юсуф алайҳиссалом подшоҳ билан учрашганида унга: «Мени ернинг хазиналари устига кўй. Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва билувчиман» (Юсуф сураси)

Мазкур оятда “муҳофаза қилувчи” жумласининг маъносига эътибор қаратиш керак бўлади. Юсуф алайҳиссалом айтятпики, “мен муҳофаза қилувчиман”, яъни мен омонатдор кишиман ва менга шундай масъул вазифани (мансабни) бемалол топширса бўлаверади. У бу ҳақда тўғридан- тўғри айта олади, чунки ушбу сифатларга эга эканини у амалда исботлаб кўйган эди. Масалан, Миср азизининг (юксак мансабли амалдор) хотинининг макрига учб, ҳаром ишга қўл урмайди. Ўшанда уни гуноҳ ишни содир қилишидан тўғсан ягона нарса Парвардигорига бўлган тақвоси эди. Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссалом ўта чиройга эга бўлишдан ташқари воқеотларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг моҳиятини чуқур англаш учун ақл ато этиб қўйилган пайғамбарлардан эди.

КАСБГА ЯРОҚЛИЛИК

Инсон ўз касбининг устаси (профессионал) сифатида касби талаб қилган барча нарсаларни яхши билиши керак. Масалан, жисмоний меҳнат соҳасида керак бўлган сифатлар ақлий, илмий соҳалар учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бунга Мусо алайҳиссалом воқеасини мисол қилишимиз мумкин. Кунларнинг бирида у Шуъайб алайҳиссаломнинг қизларига сурувини сугоришида ёрдамлашиб юборганидан сўнг, уларнинг бири отасига Мусони ишга ёллаб олишини илтимос қиласи: “Икки (қиз)дан бири: «Эй отагинам, уни ишга ёллаб ол. Чунки ишга ёлланадиган энг яхши кимса кучли ва ишончли кимсадир», деди” (Қасас сураси, 26-оят)

Таъкидлаш керакки, бу ерда билим ёки ақлий имкониятлар ҳақида сўз бораётгани йўқ, чунки Мусо

алайҳиссаломни жисмоний куч-кувват талаб қилинадиган қишлоқ хўжалик ишларига ёлламоқчи бўлишган эди. Масъул одамнинг сифатлари ҳақида сўз борган бошқа оятлар каби мазкур оятда ҳам жисмоний ёки ақлий меҳнат ҳақида сўз боришидан қатъи назар, ҳамиша битта муҳим сифат алоҳида таъкидланади. Инсонни ишончли (омонатдор) қиладиган сифатларнинг бири унинг тўғрисўз – ҳалол бўлишидир, яъни унга тўлиқ ишона оласан.

Профессионал маҳоратни жойида қўллаш бўйича Мусо алайҳиссалом фиръавн олдига боришига буйруқ олганида Аллоҳ таолодан оғаси Ҳорунни ҳам бирга боришига рухсат сўрайди (Қуръони карим, Қасас, 34). Мусо алайҳиссалом фиръавн билан тортишиш эҳтимоли борлигини яхши тушунади. Ҳоруннинг эса унга қараганда тили бурро эди.

Қуръони карим оятлари ҳар бир касбнинг ўзига яраша хусусиятлари борлиги ҳақида зикр қиласи. Раҳбарлик қилаётган одам эса шу нарсаларни ёдда тутиши керак ва куйидаги иккита шартга амал қилиши керак: биринчидан, инсон аввало касби талаб қилаётган нарса ўзида борми ёки йўқми, шунга назар солиши керак бўлади. Агар у раҳбар бўлса у ёки бу мансабга даъво қилувчилар юқорида зикр қилинган сифатларга эгами ёки йўқми, албатта назар солиши лозим. Ва Қуръони каримда бир неча марта такрор бўлган иккинчи шарт – бу ишончли, омонатдор бўлишидир.

ҲАЛОЛЛИК ЙЎҚОЛГАНДА

Агар қандайир сабабларга қўра, раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган шахс кимнидир ишга ола-



ётганида (ёки кимнидир маълум бир ишга тайин қилаётганида) юқорида зикр қилинган шартларни инобатга олмаса, Қуръон ва Суннатга кўра, маъмурий коррупция худудига ўтиб қолади. Бу эса, ўз ўрнида ёлғон тассуротга сабаб бўлади ва абадий дунёда ҳам хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу ўринда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларидан бир воқеани әслаб ўтиш жоиз: Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар йиғилган жойда гапириб турсалар, бир аъробий келди-да, «Қиёмат куни қачон?» деб сўраб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (унинг гапига парво қилмай) сўзлашда давом этавердилар. Баъзилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг гапини эшитдилар-у, лекин маъқул кўрмадилар», дейишли. Баъзилар эса: «Эшитдилар, шунинг учун сўзлашда давом этдилар», деб фикр билдиришиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзлашдан тўхтаганларида: «Қиёмат ҳақида сўраётган қани?» дедилар. Ҳалиги сўраган киши: «Мен эдим, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар омонат зое этилса, қиёматни кутавер», дедилар. У киши: «Нечук зое бўлади?» деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар ишлар унинг аҳли бўлмаган кишилар кўлига топшириб кўйилса, қиёмат кунини кутавергин», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Испом уламолари Расулуллоҳ с.а.внинг ҳадисларига икки хил изоҳ беришган.

Биринчи: пора эвазига, қариндош-уруг бўлгани учун ёки бирорнинг воситачилик қилгани учун (таниш-билиш орқали) ишлар унга топширилади. Бу эса, қиёмат қоим бўлишининг энг катта аломатларидан ҳисобланади, чунки бу тарзда ҳаракат қилиш ер юзидағи тартиб-интизомнинг издан чиқишига олиб кетади.

Бошқа уламолар эса, мазкур ҳадисни қуидагича шарҳлайдилар: «Қиёматни кут», яъни (ҳалолликдан маҳрум) ҳаёт тартибининг, унга асосланган ҳукмдор ва ҳаликларнинг охри келишини кутгин, чунки Қиёмат қоим бўлган пайтда ҳамма нарса вайрон бўлгани каби ҳалолликнинг йўқлигига асосланган жамиятларда вазият ёмонлашиб, низомлар вайрон бўлади.

Бугун аксар мамлакатларда ушбу башоратларнинг амалга ошганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Айниқса бу нарсалар мусулмонлар яшаётган жамиятларда ҳам кўп учрайдиган бўлиб қолди. Баъзи ҳукumatлар бу иллат билан астойдил курашяпти ҳам, бироқ улар тарафидан ўртага ташланган ташаббус ривож топмай, муаммо ҳал бўлмаяпти ва бу йўналишдаги ҳаракатлар тўхтаб қолмоқда. Испоҳотларни қаердан бошлаш ҳам тушунарсиз, чунки коррупция ҳаётнинг барча соҳаларига илдиз отган: қонунчилик идоралари, адлия, таълим, ҳарбийлар ва ҳоказо. Бунинг барчасига эса, энг бошда у ёки бу мансабни кимга бериш ҳақида қарор қилинаётгани сабаб

бўлган. Шу тарзда маъмурий коррупция шаклланиб борган. Энди эса, ҳаммаёқда унинг илдизлари кенг ёйилиб кетди ва энди у билан курашиш жарёни жуда оғир кечади.

Жуда кўп мамлакатларда кенг тарқалган пораҳўрлик ҳам коррупциянинг энг хатарли кўринишларидан дир. Қуръони карим ва Суннати набавийя мусулмонларни пора бериш ва олишдан қайтарган. Қуръони каримда шундай мараҳмат қилинади: “Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ илиа ейишингиз учун уни ҳокимларга ташламан” (Бақара сураси, 188-оят). Яъни, бошқаларнинг ҳақини сизларга ўзлаштириб беришлари учун ҳокимларга пора берманглар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳукмда пора берувчини ҳам, пора олевчини ҳам лаънатладилар” (Имом Термизий, Ибн Ҳиббон, Ҳоким ривояти). Яна бир ривоятда “Ўртадаги кишини ҳам”, дейилган. Уламолар шундай дейишган: “Пора берувчининг мақсади мусулмонга озор етказиш ёки ҳақи бўлмаган нарсани кўлга киритиш бўлса, у малъундир (лаънатлангандир). Бордию ўзининг ҳақини кўлга киритиши ёки ўзидан зулмни даф қилиш учун пора берса, у малъун бўлмайди. Ҳоким эса бирон бир ҳақни бекор қиладими ёки зулмни даф қиладими – фарқи йўқ, унинг пора олиши ҳаромдир. Ўртадаги киши эса пора берувчи каби мақсадига қараб баҳоланади. Агар нияти яхши бўлса, малъун бўлмайди, агар нияти ёмон бўлса, у малъундир”.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу бундай деганлар: “Ҳукмдаги пора куфрdir, одамлар орасидаги эса ҳаромдир” (Табароний ривояти). Абу Умома Бохилий розияллоҳу анҳу айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким бир биродари учун востиачилик қилсаю, бунинг эвазига унга ҳадя берганда уни қабул қилса, ҳақиқатан у судхўрликнинг катта эшиклидан бирига яқинлашибди”, дедилар” (Имом Абу Довуд ривояти).

Имом Абу Амр Авзоъий (раҳматуллоҳи алайҳ) Байрутда яшаган пайтларида ҳузурларига бир насроний келди-да, “Баълабакка (шахрининг) ҳокими менга зулм қилди, унга бир мактуб ёзиб берсангиз”, деди ва унга бир кўза асал узатди. Авзоъий (раҳматуллоҳи алайҳ): “Хоҳласанг, асални қайтариб, сенга мактуб ёзиб бераман, чунки асални олмайман”, деди. Сўнга ҳокимга “Бу насронийнинг ер солигини камайтири”, деб мактуб ёзиб берди. Насроний асал билан мактубни олиб, ҳокимга учрашди ва унга мактубни берди. Имомнинг шарофати билан ҳоким насронийнинг солигидан ўттиз дирҳамни камайтириди.

Абу Муслим таржимаси.
Манба: IUMS Online